**Ушбу сонда:**

2 ХИЗР НАЗАР ҚИЛГАН ОЛИМ

3 ВАТАН МУКОФОТИ ЯНГИ ЗАФАРЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

4 *Федерация кўчма кубоги учун* ТЎП ЎЙИНГА КИРИТИЛДИ



ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 17 декабр, чоршанба № 195 (1620)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


# САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

***16 декабр куни халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, Олий Мажлисга Самарқанд вилоятидан сайланган депутатлар иштирок этди.***

***Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.***

- Ҳаммангизга маълум, яқинда Президент фармони билан Самарқанд вилояти ҳокими вазифасида ишлаб келган Шавкат Миромонович Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига тайинланди. Бу ҳақдаги фармон Олий Мажлиснинг ўтган ҳафтада бўлиб ўтган ўн учинчи сессиясида кенг муҳокама қилиниб, тасдиқланди, деди Президентимиз.

Мана шундай қарорга келишимизга сабаб бўлган асосий бир масалага эътиборингизни жалб қилмоқчиман.

Ўйлайманки, барчамиз бир ҳақиқатни яхши тушунамиз: мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, ислоҳотларни кенг кўламда ва изчил жорий этиш, янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида учрайдиган кўпгина муаммоларни ечишда, аввалambор, давлат бошқарувида ҳар қайси идора, ҳар қайси бўғин, қолаверса, ҳар қайси раҳбар ўз ўрни ва масъулиятини чуқур англаган ҳолда ишлаши, ўз ваколати доирасида ўз вазифасини самарали адо этиши зарур.

Бундай талаб аввалambор юқори поғона, яъни Марказда фаолият кўрсатаётган ҳукумат аъзолари ва ҳукумат идораларига, уларнинг раҳбарларига, бугун ҳаётимизда ўтказилаётган ислоҳотларга бош-қош бўлаётган ва катта ваколатга эга бўлган мутасадди шахсларга тегишли десак, хато бўлмайди. Яъни ҳар қайси туман, ҳар қайси вилоят манфаатини, ҳудудлар олдида турган вазифаларни инкор этмаган ҳолда, энг юқори бўғиндаги бошқарув идораларининг фаолиятини кучайтириш, уларни жойлардаги аҳвол ва муаммоларни чуқур биладиган етук кадрлар билан мустаҳкамлаш масаласига биз устувор аҳамият беришимиз зарур, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Содда қилиб айтганда, давлат ва жамият, элни бошқарадиган ҳар қайси вазифада албатта ишнинг негизини биладиган, ҳаётнинг бугунги талабларига жавоб бера оладиган, Амир Темур бобомиз таъбири билан айтганда, ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби бўлган, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр одамларнинг ишлаши катта аҳамиятга эга.

Буни ҳаммамиз яхши тушунамиз, лекин айни вақтда, ҳар қайси вилоят, ҳар қайси туман ва жойларда ўз фаолияти билан халқ орасида ҳурмат-эҳтиром қозонган етакчиларни, ҳаёт талаб қилса, юксак вазифаларга йўллашни, уларга оқ фотиҳа беришни шу ерда хизмат қилаётган жамоатчилик ўзи учун шараф, ҳам қарз, ҳам фарз деб билиши лозим, деб ҳисоблайман.

Президент сессия қатнашчилари эътиборини яна бир масалага қаратди.

Бугунги кунда ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, ислоҳотлар аввало инсон учун, деган ғояни биз ўз олдимизга асосий мақсад қилиб қўйганимизни ҳаммамиз яхши биламиз.

Ҳозирги вақтда халқимизнинг асосий қисми, яъни қарийб 60 фоизи қишлоқда яшайди. Бинобарин, қишлоқ аҳолисининг ташвиш-муаммолари, эҳтиёжларидан хабардор бўлиш ва уларни ўз вақтида ҳал қилиш - барча раҳбарлар, халқ ишонч билдирган сиз, депутатлар ва фаолларнинг асосий бурчи экани ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Айни вақтда бугун қишлоқ хўжалигидаги вазият - аввало, кейинги йилларда мамлакат бўйича тупроқ унумдорлиги сезиларли даражада пасайиб, суғориладиган майдонларнинг 50 фоизидан кўпроғи турли даражада шўрлангани, умуман, экологиямиз бузилиб бораётгани ва шу каби бошқа оғир муаммолар соҳа ривожига нақадар салбий таъсир ўтказаётгани ҳам барчангизга яхши аён.

Табиий қийинчиликлар, обҳаво инжиқликлари ўз йўли билан, аммо бизнинг ишимизга халақит бераётган яна бир қанча субъектив сабаблар, ғов-тўсиқлар ҳам борки, бу муаммоларни ечиш учун жойлардаги аҳволни яхши биладиган, минтақаларнинг дарди билан яқиндан таниш бўлган раҳбар ва мутахассисларни жалб қилишимиз керак.

Ўз-ўзидан равшанки, қишлоқ хўжалигидаги бундай мураккаб вазиятни ўнглаш учун бу масъулиятли вазифа топширилган одамларга тегишли ваколат ҳам берилиши лозим.

Ҳаёт-мамотимизни белгилайдиган мазкур соҳани бошқариш, қабул қилинган қарорларни изчиллик ва қатъиятлик билан ҳаётга жорий этиш учун бошқариш тизимининг энг юқори поғонасидан энг қуйи лавозимигача ишни ана шундай хусусиятларга эга бўлган инсонларга топширишимиз зарур.

Босиб ўтган йўлимиз, тажрибамиз шуни кўрсатмоқдаки, ҳукуматни бошқарадиган одам бевосита жойларда, минтақа ва ҳудудларда бўлиб, мавжуд аҳволни, у ерлардаги ечилмаган муаммоларни чуқур билиши, уларни ўз ҳаёти, ўз юрагидан ўтказиши, лўнда қилиб айтганда, шу муаммоларнинг қозонида қайнаган бўлиши керак. Ва бундай билим ва тажриба ана шу масалаларни ечишда ҳал қилувчи рол ўйнаши шубҳасиз.

Юқорида зикр этилган мана шу омиллар, фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, бу борадаги бугунги ҳукумат сиёсатини ҳақиқатан ҳам кескин ўзгартириш, уни минтақа ва ҳудудларнинг муаммоларига яқинлаштириш масаласини инобатга оладиган бўлсак, шу талабларга жавоб берадиган ҳукумат раҳбарининг айнан минтақадан қўйилишини табиий қонуният, деб қабул қилиш ўринли бўлади.

Шу маънода, Шавкат Мирзиёев ҳақида гапирадиган бўлсак, сизлар яхши биласизки, дастлаб у Тошкент шаҳрида бир неча йил туман ҳокими вазифасини бажарди. Кейин эса Жиззах вилоятининг биринчи раҳбари лавозимида ҳам фаол иш олиб борди. Мирзиёев билан Жиззахда бирга меҳнат қилган одамлар унинг вилоят миқёсида каттакатта ишларга бош-қош бўлганини ҳали-бери яхши эслайди.

Кейинги икки йил давомида у Самарқанд вилоятини бошқариб келди ва шу қисқа давр ичида воҳа ҳаётида - нафақат ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги соҳасида, балки одамлар билан тил топишиш, эл-юртнинг кўнглига етиб бориш ва уларнинг бошини қовуштиришда, кўп-кўп ижобий бунёдкорлик ишларини - бу қурилиш ёки ободончилик, тиббиёт ёки таълим соҳаси бўладими - умуман, халқнинг кайфиятига ижобий таъсир қиладиган ишларни амалга оширишда Самарқанд аҳли унинг раҳбарлигида катта ютуқларга эришди.

Биргина қишлоқ хўжалигини оладиган бўлсак, бу йилги мураккаб об-ҳаво шароитига қарамасдан, вилоят меҳнаткашлари қаттиқ меҳнат қилиб, пахта ва ғалла бўйича шартнома режаларини бажаришга эришганини айтиш кифоя, деб таъкидлади Президентимиз.

Бундай жиддий ўзгаришларни бошқа жабҳаларда, жумладан, ижтимоий соҳа ривожида ҳам кузатиш мумкин. Мисол учун, сўнгги пайтда аҳоли турмуш шароитини яхшилашнинг асоси бўлган табиий газ ва ичимлик суви таъминоти масаласида салмоқли натижалар қўлга киритилди. Охирги икки йил мобайнида 800 километрдан зиёд газ тармоғи тортилиб, 100 дан ортиқ қишлоқ табиий газ билан, шунингдек, қарийб 400 километрлик сув тармоғи барпо этилиб, 115 та қишлоқ тоза ичимлик суви билан таъминланган бунинг амалий тасдиғи бўла олади.

Шулар қаторида вилоят шаҳар ва қишлоқларида 90 та маҳалла гузари, 31 та қишлоқ врачлик пункти, 6 та ихтисослашган шифохона, 880 минг квадрат метр уй-жой қурилгани, ўнлаб янги мактаб, лицей-коллежлар, маданий-маиший ва спорт иншоотлари барпо этилгани ҳам бу ерда кейинги йилларда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилганини кўрсатади.

Нафақат Самарқанд шаҳри, балки бутун вилоят қиёфасини ўзгартириб юборган бундай қурилиш ва ободончилик ишлари ҳақида узоқ гапириш мумкин.

Албатта, бундай улкан ишларни ва режаларни амалга оширишда аввало шу юртнинг ватанпарварлари, фидоийлари, бутун Самарқанд элининг хизмати ва меҳнати борлиғини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Лекин буларнинг барчасини бошқариш, одамларни катта марраларга, керак бўлса, зафарларга чорлаш, уларни ўз кучи ва қудратига ишонтириш - бу ҳар қандай раҳбарнинг ҳам қўлидан келмайди, десам, бу ҳам ҳақиқат.

Шунинг учун ҳам ишга муносабати, ташкилотчилик қобилияти билан ўзини кўрсатган Шавкат Мирзиёев номзодини Бош вазир лавозимига таклиф қилдик ва Олий Мажлисимиз сессияси бу таклифни қўллаб-қувватлади.

Вилоятнинг янги раҳбарини тайинлаш ҳақида гапирганда, деди давлатимиз раҳбари, аввало, шуни айтиш керакки, Самарқанд аҳли - бу туман ёки вилоят маркази бўладими, узоқ ва чекка қишлоқлар бўладими - бугун ҳамма жойда катта, баланд руҳ билан меҳнат қилмоқда. Вилоят меҳнаткашларининг иқтисодиётни юксалтириш, ўз маҳалласи, ўз юртини янада обод қилиш мақсадида янги-янги уфқларга интилиб, улкан ишларни амалга ошираётганини бутун Ўзбекистон кўриб турибди, десак, асло хато бўлмайди.

**Янги раҳбарга биринчи талаб шуки**, у одамлардаги мана шундай кўтаринки руҳни, катта ишларга бел боғлаган Самарқанд аҳлининг орзу-интилишлари ва азму шижоатини сўндирмасдан, камайтирмасдан, шу элга етакчи бўлиб, бош-қош бўлиб, уни янги мақсад ва марралар сари бошлаши керак.

**Иккинчи талаб** - вилоят раҳбари халқ ичидан чиққан, унинг табиатини яхши тушунадиган инсон бўлиши, шаҳар ва қишлоқ аҳлининг муаммоларини чуқур англаши, ёрдамга муҳтож одамларнинг дардига малҳам бўла олиши, ёшми-қарими, зиёлими, ишчими, уларнинг интилишларига ҳамоҳанг бўлиб, ўз фаолиятини элюрт ҳаёти билан чамбарчас боғлай олиши зарур.

Барчамиз шуни унутмаслигимиз лозимки, инсон фақат бугунги кун билан яшамайди. Шунинг учун ҳам бу вилоятни бошқарадиган одамга **учинчи талаб** - шу ҳақиқатни яхши англаб, аввалambор мана шу ерда ҳаёт кечирадиган халқнинг эртанги кунини, истиқболини ҳар томонлама кўзлаб иш олиб бориши даркор, деди Президентимиз.

**Истиқбол деганда**, биз аввало мана шу Самарқанд заминида яшаётган 2 миллион 800 мингдан зиёд аҳолининг турмуш даражасини кўтаришни, ёш авлод иқболини ўйлаб, ёруғ келажакни яқинлаштириш йўлида бутун борлиғини сафарбар этиб, фидокорона меҳнат қилишни тушунамиз.

**Истиқбол деганда**, биз биринчи галда бунёдкорликни, одамларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилишга қаратилган ишларни, айниқса, мактаб-маориф, тиббий ва коммунал хизмат, аҳолини иш билан банд қилиш, газ ва сув таъминоти каби ҳаётий муҳим масалаларни ўз вақтида ҳал этишни назарда тутамиз.

Шу билан бирга, янги-янги корхоналарни барпо этиш, иқтисодиётга хорижий инвестицияларни олиб келиш, сифатли ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш, саноатда замонавий технологияларни жорий этиш, кичик ва ўрта бизнесни ҳар томонлама ривожлантириш вазифалари ҳам бизнинг келажак режаларимизда асосий ўрин тутиши лозим.

**Истиқбол деганда**, биз аввало қишлоқ хўжалигида янгича мулкий муносабатларни шакллантириш, одамларда ерга эгалик туйғусини қарор топтириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, соҳани замонавий техника воситалари ва юксак технология билан таъминлаш, тобора кучга кириб бораётган фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу тарика қишлоқ халқининг фаровонлигини ошириш сингари устувор вазифаларни тасаввур қиламиз.

***(Давоми 2-бетда)***

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И*

**Р.И.Холмуродовни Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:

Рустам Ибрагимович Холмуродов Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 16 декабр

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И*

**Ш.М.Мирзиёевни Самарқанд вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида**

Шавкат Миромонович Мирзиёев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Самарқанд вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 16 декабр

## ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ РЕЖЕП ЭРДОГАННИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

***Туркия Республикаси Бош вазири Режеп Эрдоган шу йил 18-20 декабр кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.***

Ташриф чоғида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболларига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама этилиши, шунингдек, қатор муҳим ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

*Ижтимоий инфратузилма*

## ОБОД ҚИШЛОҚЛАР БАҒРИГА ЧОРЛАР

***Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самараси аҳоли турмуш фаровонлиги билан ўлчанади. Шу боис бу борадаги инфратузилмани ривожлантиришда ҳориждаги жамғармалар ҳам яқиндан кўмаклашмоқдалар.***

Масалан, Қашқадарё вилоятида SIF TASIS лойиҳасини амалга ошираётган ASTE агентлиги 20 та қишлоққа 200 минг евро миқдорида беғараз ёрдам кўрсатди. 2003 йилнинг март ойида иш бошлаган мазкур агентлик бозор иқтисодиёти муаммоларини ҳал этишда аҳоли фаоллигини кучайтириш, сув ва газ таъминотини яхшилаш, мактаблар ва тиббиёт муассасаларини таъмирлаш, йўллар қурилишида ҳамкорлик қилмоқда. Айни пайтда аҳоли яшаш жойларида санитария-гигиена шароитларини яхшилаш, қурилиш ва ободончилик кўламини кенгайтириш, юқумли касалликларнинг тарқалиши олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар кўриляпти.

Американинг CHF интернейшнл халқаро ташкилоти CAIP дастури бўйича олиб борилаётган ободончилик ишларига эътибор кучайтириляпти. Хусусан, белгиланган дастурга асосан Косон туманидаги «Бўлмас» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида бир қанча ижтимоий инфратузилма иншоотлари таъмирдан чиқарилди.

Тўл қишлоғида эса тиббиёт муассасасининг ситиш тизими қайта қурилиб, табиий газга уланди.

Мукаммал таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун ҳамкорлар томонидан 4 миллион 286 минг, аҳоли ҳисобидан 1 миллион 584 минг сўм маблағ ажратилди. «Қаршиирмонтаж» ҳиссадорлик жамиятига қарашли II махсус механизациялашган кўчма жамланма қурувчилари шифохонани қисқа муддатда юқори сифатли қилиб таъмирдан чиқардилар. Бунинг натижасида ҳудуднинг ўнта қишлоғида яшовчи 65 минг аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш яхшиланди.

CAIP дастури бўйича тоғли Деҳқонобод туманининг «Окработ» ширкат хўжалигидаги Етимқудуқ қишлоғида жойлашган Кенжа Холтўраев номли умумтаълим мактаби замонавий усулда қайта қурилиб, ўқувчиларга тўқфа қилинди. Илм маскани 1983 йилда ҳашар йўли билан бунёд этилган ва анча эскирган эди. Тумандаги «Кенжа» хусусий фирмаси бунёдкорлари кучи билан 3 миллион 135 минг сўмлик қурилиш-ускуналаш жиҳозлари олинди. Мактабнинг кенг ва ёруғ синф хоналарида билим олиш учун қулай шароит яратилди.

Техник ҳамкорлик ва тараққиёт агентлиги ташаббуси билан маҳаллий аҳоли вакилларидан соғлом турмуш ташкилотчилари гуруҳлари тузилиб, уларга 100 га яқин мутахассислар бириктирилди. Ҳар хил касалликларнинг олдини олиш, даволаш-профилактика тадбирларини ташкил қилиш мақсадида махсус семинар-тренинглар уюштирилди. 15 минг нусхада зарур кўргазмали қурол ва қўлланмалар тарқатилди.

Касби туманидаги 10 та қишлоқ хонадонларига табиий газ ўтказилди. «Наврўз» жамоа хўжалигининг Юксалиш қишлоғида ҳам 5 миллион сўм маблағ сарфланиб, врачлик пункти таъмирланди ва фойдаланишга топширилди.

Касби, Хўжайрон, Кийикчи, Тошқўрғон сингари қишлоқлар аҳолиси ўртасида йод танқислиги, гиёҳвандликнинг зарари, ўткир юқумли ичак касалликлари, репродуктив саломатлик мавзусида мулоқотлар ўтказилаётганлиги ижобий самара беряпти.

Қишлоқ ва маҳаллаларда уюштирилаётган савол-жавоб кечалари, кўрик-танловлар, рассомчилик кўргазмалари фуқаролар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилди.

Вилоятнинг Чироқчи, Деҳқонобод, Касби, Косон, Нишон туманларида иш олиб бораётган техник ҳамкорлик ва тараққиёт халқаро агентлиги қишлоқ ҳудудлари муаммоларини ҳал қилиш ва фуқароларнинг демократик жамиятни шакллантиришдаги фаоллигини оширишга яқиндан кўмаклашмоқда.

**И. ТИЛЛАЕВ**

## ЁШ ТАДБИРКОРЛАР ЎҚУВИ

***Қораўзак туманида Осиё тараққиёт банки лойиҳаси асосида ёш тадбиркорлар ўқуви ташкил этилди. Ишбилармонлик билан шуғулланишни истаган ёшлар 6 кун мобайнида 48 соатлик машғулотларга қатнашиб, тегишли сертификат олади.***

Лойиҳа ташкилотчилари бўлажак тадбиркорларга бизнес сирларини чуқур ўргатади. Ёшлар компьютер билан ишлаш, лизинг, маркетинг, бизнес лойиҳаларини тузиш бўйича атрофлича тушунчага эга бўлади.

Ўқув курсини битирган ёшларга тадбиркорлик билан шуғулланиши учун Осиё тараққиёт банки томонидан имтиёзли кредит ҳам берилади.

**(ЎзА)**

*Ислоҳот мевалари*

## КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС ишсизликка барҳам бермоқда

***Ижтимоий муҳофазалаш кафолатларидан бири – ишга яроқли аҳолини иш билан таъминлашдир. Бу вазифа изчил амалга оширилса, ишсизлик чекинади. Тан олиш керак, бугун иш ахтарувчи ҳам, бўш иш ўрни ҳам бор. Фақатгина бу борадаги мутаносибликни таъминлашда изчиллик керак. Хўш, Мирзоободда бунга қандай эришилаяпти.***

Кейинги йиллар, ўзига хос синов, имтиҳон бўлди. Иқтисоди ночор хўжаликларнинг ходимлар билан ҳисоб-китобдаги оқсаши, муайян даромаддан маҳрумлик ишсизлик даражасини оширади. Фақатгина республика Вазирлар Маҳкамаси қарори билан муайян ер майдонлари мулк соҳибларига тақсимланиб, хусусий сектор ривожига рағбат берилгач, масала ечим топди. Саккиз йиллик танаффусдан сўнг илк бора қишлоқ хўжалигида юксалиш сезилди. Рентабеллик даражаси ўсиши таъминланди. Хусусий сектор вакиллари, фермерлар, муайян даромадга эга бўлиб, ишловчиларни моддий жиҳатдан таъминлашга муваффақ бўлдилар. Демоқчимизки, қарийб тўққиз минг киши далада ишлаб, ойлик маош олиш имконига эга бўлдилар.

Бу масаланинг бир жиҳати. Иккинчи томондан кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳисобига ҳам ишсизлик муаммоси ҳал этилмоқда.

Шу ўринда оддий мисол. Туманда жорий йилда 751 та янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилганди. Изланиш, интилиш самараси ўлароқ мўлжалланганидан анча зиёд, аниқроғи 841 та янги иш ўринлари барпо этилди. Иш жойларининг аксарияти тадбиркорлик субъектлари ҳисобидан эканлигини назарда тутадиган бўлсак, силжишни яққол сезиш мумкин.

Биргина «Янги ҳаёт» маҳалласида гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхонасининг иш бошлаши 20 нафардан ошиқ кишини иш билан таъминлади. «Тошкент» маҳалласида эса маҳаллий мебел ишлаб чиқариш саноати ривожига йўл очилаяпти.

– Прокуратура, касаба уюшма ташкилотлари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркалари ўтказишни анъанага айлантирганмиз, - дейди туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Акмал Абдуҳолиқов. – Навбатдаги меҳнат бозоримизга 16 та ташкилот ва хусусий корхоналарни таклиф этдик. Шу куни иш ахтараётган 37 нафар кишининг 23 нафари иш билан таъминланди. 14 нафар киши эса янги касб-кор ўрганиш учун ўқишга жўнатилди.

Биргина меҳнат бўлимида иш сўраб мурожаат қилган 589 нафар фуқаро рўйхатга олинди. Уларнинг 425 нафари туман ҳудудидаги корхона ва ташкилотлар, кичик корхоналарга ишга жойланди. 252 нафар фуқарога ишсизлик мақоми берилиб, улардан 153 нафарига вақтинчалик ишсизлик нафақаси белгиланди. 59 нафар киши хоҳиш-истакларига кўра ўқув юртларига жойлаштирилди. Бандлик дастурига мувофиқ 39 нафар фуқаро эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди. Бир киши эса муддатидан олдин нафақага кузатилди.

Кўп болали ва кам таъминланган хонадонларни ижтимоий муҳофазалашни кучайтириш диққатимиз марказида. Меҳнат бўлими, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда 2925 нафар кўп фарзандли хонадонларга нафақалар тайинланди. Ишламайдиган, айни чоғда 2 ёшгача бола тарбияси билан машғул бўлган 1805 нафар аёл ҳам ҳукуматимизнинг беминнат кўмагини ҳис қилишяпти. 956 нафар кам таъминланган деб топилган оилаларга уч ой муддатлик ёрдам пуллари тўлаб берилди. Қисқаси, ҳеч ким мутасаддилар нигоҳидан четда қолмаяпти.

Туман ҳокими қарори билан ҳудуддаги ташкилот ва корхоналарда ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли учун махсус квоталаштирилган иш ўринлари барпо этилди. Имтиёзлардан ногиронлар, кўп фарзандли оналар, олийгоҳ ва ўрта махсус билим юртларини тамомлаган ёшлар ҳамда жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган фуқаролар фойдаланиб келмоқдалар.

**Н.ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## АҚШ ТАЖРИБАСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Тошкентда Ўзбекистон фулбрайтчилар уюшмаси ва АҚШ халқаро таълим кенгаши ҳамкорлигида семинар ўтказилди. Унда Ўзбекистонда нодавлат-нотижорат ташкилот(ННТ)ларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича маслаҳат марказини барпо этишга қарор қилинди.

Учрашувда сўзга чиққанлар Ўзбекистондаги маҳаллий шарт-шароит ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда нодавлат -нотижорат ташкилотларни тузиш, уни ривожлантириш борасида фикр юритишди, шунингдек АҚШдаги ННТларнинг жамиятдаги мавқеи масалаларини муҳокама этишди. ННТлар хусусида АҚШ тажрибасидан турли йўналишларда фойдаланиш тўғрисидаги таклиф тушди. Хусусан, мамлакатимизда ННТлар маълумотномасини яратиш, мавжуд ташкилотларни ҳимоялайдиган маслаҳат идорасини тузиш зарурлиги таъкидланди.

Семинарда АҚШ ҳукумати молиялаштираётган фан ва таълим соҳасидаги алмашув дастурларини битирувчилар ҳам қатнашдилар. Улар АҚШнинг иқтисодий ва ноҳукумат институтларида ўрганиб келган билим ва тажрибаларини гапириб беришди.

# САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

(Боши 1-бетда)

Бугун шиддат билан ўзгараётган замон ҳар биримиздан ўз фаолиятимизни танқидий баҳолаб, уни тубдан ўзгартиришни, янада такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Шу борада янги раҳбар ва унинг хусусият ва фазилатлари ҳақида гапирар эканмиз, бир масалага эътиборингизни жалб қилмоқчиман.

Шу ерда яшаётган, истиқомат қилаётган халқни янги уфқларга даъват қилиш учун янги ҳоким биринчи галда қуйи, ўрта ва юқори бўғинларда ўтирган барча раҳбар ва мутасаддилар билан тил топишиб ишлаши, оддий одамларнинг ҳурматига муносиб бўлиши айниқса муҳим. Бунинг маъноси шуки, янги раҳбар вилоятдаги каттакичик етакчиларда - у туман ҳокимими, ширкат хўжалиги ёки ташкилот бошлиғими, бундан қатъи назар, фақат ижрочилик билан чекланиб қолмасдан, уларда ташаббускорлик ва тадбиркорлик аломатларини, изланувчанлик фазилатларини уйғотиши ва рағбатлантириши даркор.

Энг муҳими, вилоят ҳокимлигининг идорасида ҳам, туманларда ҳам ўзаро ишонч, бир-бирини тўғри тушуниш, умумий иш учун жон куйдириш руҳи устун бўлиши керак.

Аксинча, янги раҳбар ўзига ёқадиган, ўзига мос бўлган, ўзига шахсий садоқат кўрсатадиган одамларни амалга ўтқазишдек номақбул кайфиятларга берилмаслиги, маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, уруғ-аймоқчилик ва қабилабозлик каби иллатлардан узоқ бўлиб, кадрларни ўзгартириш масаласида жуда эҳтиёткорлик билан иш олиб бориши зарур.

Бу фикрни урғу бериб айтаётганимнинг сабаби шуки, деб қайд этди мамлакатимиз раҳбари, биз кўпгина туман ва вилоят раҳбарларини бу ҳақда огоҳлантирганимизга қарамасдан, бундай эски асоратлардан ҳали-бери жудо бўлолмаяпмиз. Мен бу ҳақиқатни афсус билан таъкидлашга мажбурман.

Бу масалага тўғри, холисона ёндашиш, етти ўлчаб бир кесиш, ишнинг негизини биладиган, юқори малакага эга бўлган, ҳалол ва тажрибали ходимларни, мутахассисларни асраб-авайлаш, тарбиялаш керак. Содда қилиб айтганда, яхши кадрларни асрайдиган раҳбар, аввало, ўзини асрайди, муҳитнинг доимо барқарор бўлиб қолишига хизмат қилади.

Шуларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, мен вилоят ҳокими лавозимига Самарқанд давлат университети ректори вазифасида ишлаб келган Рустам Иброҳимович Холмуродов номзодини таклиф этаман.

Шу ўринда Президентимиз йиғилганлар эътиборини яна бир масалага қаратди.

Самарқанд диёри умумбашарият цивилизациясининг Рим сингари қадимий бешикларидан бири сифатида бутун ер юзида тан олиниши, унинг беқиёс табиати, кенг маънодаги унумдор замини, номлари жаҳон тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган мумтоз зотларни бергани билан барчамиз чексиз фахрланамиз. Самарқанд замини Имом Бухорий ва Имом Мотуридий, Хожа Аҳрор ва Махдуми Аъзам каби мусулмон оламида машҳур бўлган алломалар, азиз-авлиёларнинг хоки ётган табаррук масканлари билан ҳам мўътабардир.

Соҳибқирон Амир Темур ўз салтанатининг пойтахти этиб танлаган, нафақат буюк тарихий обидалари, балки Улуғбек ва Али Қушчи каби улуғ мутафаккирлар ўзининг дунёни ҳайратга солган ўлмас кашфиётларини яратган бу юртни бетакрор мўъжиза десак, асло хато бўлмайди. Шу боис асрлар давомида маърифат зиёсини таратиб келган Самарқанддаги илму фан ўчоқлари, қадимий мадрасаларда яратилган буюк мерос ҳар биримизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Самарқанд бугунги кунда ҳам ўзининг илмий кашфиёт ва ютуқлари орқали жаҳонга танилган ўнлаб олий ўқув юртлари ва илм-фан даргоҳлари билан, ўзининг истеъдодли зиёлилари, юксак салоҳиятга эга бўлган илмий жамоатчилиги билан дунёда обрў-эътибор топмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳеч шубҳасиз, вилоят ҳокимлигига номзод ҳақида гапирар эканмиз, унинг хусусият ва фазилатлари ҳақида сўз юритар эканмиз, унинг мана шундай юксак маърифий ҳаёт билан ҳамоҳанг бўлиб яшашга қурби, билими ва савияси етадиган инсон бўлиши кераклигини ҳаммамиз яхши тушунамиз, деб ўйлайман.

Бир сўз билан айтганда, бу раҳбар шу тупроқда унибўсган, шу заминни муқаддас деб қабул қиладиган, шу ерда яшайдиган халқнинг табиатини, феъл-атвори ва орзу-умидларини юракдан ҳис эта оладиган, шу эзгу интилишларни рўёбга чиқаришга астойдил бел боғлаган одам бўлиши зарур, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Ишончим комилки, вилоятнинг меҳнаткаш, мард ва ориятли халқи Самарқанд заминининг катта салоҳияти ва имкониятларини рўёбга чиқариш, Самарқанднинг шуҳратини янада юксалтириш учун бир тан, бир жон бўлиб, ўзини аямай меҳнат қилади, деди пировардида Президентимиз.

Сессияда ташкилий масала кўрилди.

Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига тайинланганлиги муносабати билан Самарқанд вилояти ҳокими вазифасидан озод этилди.

Президент Ислом Каримов тавсиясига биноан Самарқанд давлат университети ректори лавозимида ишлаб келаётган Рустам Холмуродов Самарқанд вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан Пахтачи туманидаги А.Оллоёров номидаги ширкат хўжалиги раиси Ф.Тўхтапўлатова, Нарпай тумани ҳокими А.Жамилов, Ургут тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Х.Нуруллаев, Каттақўрғон туманидаги 2-ўрта мактаб директори О.Ўроқова, «Зарафшон» нашриёти директори Х.Бобомуродова ва бошқалар вилоят аҳли Президентимизнинг нутқида қўйилган вазифаларни амалга ошириш, Самарқанд заминининг катта салоҳияти ва имкониятларини рўёбга чиқариш, унинг шуҳратини янада юксалтириш учун ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилишини таъкидлади.

(ЎзА)

Мустақиллик йилларида Сурхондарё вилояти, хусусан Термиз шаҳрида ҳам катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Кенг ва равон кўчалар, салобатли бинолар, хиёбонлар бунёд этилди. Айниқса, илм масканларининг кўпайганлиги йигит ва қизлар учун катта имкониятлар яратди.

***Суратларда: Термиз академик лицейи биносининг умумий кўриниши; бахтиёр талаба Гулноза Муҳитдинова.***

**Шавкат СУЛТОН олган суратлар**



# НОГИРОНЛАРГА КРЕДИТЛАР

***Республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигида ўтказилган йиғилишда ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида 2003 йилда қилинган ва келгуси йилда режалаштирилаётган ишлар муҳокама этилди.***

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири Оқил Обидов сўзга чиқиб, вазирлик мазкур масалада асосан уч йўналишда иш олиб бораётганини таъкидлади. Булар нафақа таъминоти, ишсизликни бартараф этиш ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояланмаган қатламларини ҳимоялашдир.

-Айни пайтда Ўзбекистонда 2 миллион 765 минг пенсионер бўлиб, шундан 1 миллион 903 минг нафари кексалик ёшидаги пенсионерлар ҳисобланади. Ногирон нафақахўрлар 800 минг нафарни ташкил этади. Уларнинг 536 минг нафари биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, 229 минг нафари эса болаликдан ногирон бўлганлардир.Вазирлик томонидан саккиз мингдан ортиқ ногирон ҳар йили 10 мингдан зиёд протез-ортопедия маҳсулотлари билан бепул таъминланади, шу йилнинг 9 ойи мобайнида бир минг етти юз нафар ногиронга ногиронлар аравачаси берилди.

Ҳозирги кунда ногиронлар реабилитациясига алоҳида эътибор берилмоқда. Вазирликнинг тиббий реабилитация марказида ҳар йили ўн икки мингдан зиёд ногиронга ёрдам кўрсатилади.

Айни кунда йигирма беш мингга яқин ўзгалар қаровига муҳтож ёлғиз ногиронларга ёрдам бериляпти, ўттиз тўртта тиббий-ижтимоий марказда саккиз минг қария ва ногирон тўлиқ давлат қарамоғига олинган.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда пенсия ва нафақаларга қўшимча равишда кўпгина имтиёзлар тизими жорий этилганки, унинг йиллик ҳажми йигирма миллиард сўмни ташкил этади. Жорий йилда аҳолининг ижтимоий ҳимояланмаган қатламини қўллаб-қувватлаш учун вазирлик йўналишида давлат томонидан жами 8 миллиард сўм дотация берилди. 2004 йилда бу маблағ миқдори 11 миллиард сўмга етказилади.

Ногиронларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун меҳнат билан бандлик Давлат жамғармаси томонидан кредитлар ажратилмоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида ногиронларга уч юз эллик олти миллион сўмдан зиёд кредит ажратилиши натижасида 878 та ишчи ўринлари яратилди. Ногиронларга тиббий-реабилитация хизмати кўрсатишни, уларни қўллаб-қувватлашни янада мукаммаллаштириш мақсадида шифокор реабилитологларни ўқитиш, бу борада чет эл тажрибаларини ўрганиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилаяпти.

**"Туркистон-пресс"**

## Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 60 йиллиги олдидан

# ХИЗР НАЗАР ҚИЛГАН ОЛИМ

Ҳ.Абдуллаев бировда бир муҳтожлик сезса, унга ёрдам беришга шошиларди. Бу ҳақда унинг дўсти Иззат Султон шундай деб ёзган эди: «Мушкул шароитда ўз олдига эзгу мақсадлар қўйган Ҳабиб Абдуллаевдан эшитилган ва менинг хаёлимда қолган ҳикматлардан бири - «Улуғ ниятларга тўғри йўлдан бориш амри маҳол» деган фикр эди. Москвага қисқа муддатда 40дан ортиқ ўзбекни аспирантура ва докторантурага юборганда, Ҳабиб «тўғри йўлдан» бормади, чунки, республикада энг катта амалларда ўтирган кимсаларга бу иш ёқмас эди. Улар ғафлатда қолиб, бу воқеадан жуда ҳам кеч хабардор бўлдилар ва аламларидан «тирсагини тишлаб» қолдилар. Кейин Ҳабибдан бу иши учун шафқатсиз ўч олдилар. Шу иши ва ўзбек халқининг манфаатларини кўзлаб қилган кўпгина бошқа ишлари учун Ҳабиб Ўзбекистон Фанлар академияси президенти вазифасидан қўққисдан олиб ташланди».

Ҳа, у ниҳоятда миллатпарвар, ўз халқи, Ватани манфаатлари учун фидойи зот эди. Қаерда, қай лавозимда ишламасин ўзининг ўзбеклиги билан фахрланар, ҳамиша миллат манфаатларини ҳимоя қиларди. Мексикада ўтган XX аср Жаҳон геологлари конгрессида қатнашиб, унинг бир секциясида Ҳабиб Муҳамедович раислик қилади. Шунингдек, рудаланиш назарияси бўйича маърузаси ҳам зўр қизиқиш билан тингланади. Нуфузли анжумандан қайтган академик геология бошқармасида қилган маърузасида шундай деган эди:

Мен минбардан тушишим билан Америқо делегациясининг бошлиғи ёнимга келиб, қўлимни сиқди-да, Жаноб Абдуллаев, Сиз ким бўласиз, деб сўраб қолди. Шунда мен, ўзбек геологи бўламан, дедим. У эса йўқ, Сиз ўзбек эмассиз. Сиз тайёрланган одамсиз, ҳали ўзбеклардан Сиздай олимлар етишиб чиққан эмас, деб қолди. Шунда мен фахр билан баралла: Мен ҳақиқий ўзбек фарзандиман, деб жавоб бердим.

Бир куни Ҳабиб Муҳамедовичнинг қабулига Тошкентда узоқ ишлаган ўзга миллат олимларидан бири келиб, менга лавозимимни сақлаб қолиш шарти билан доимий нафақа тайинланг, деб талаб қилди. Шунда домла 38 йил Ўзбекистонда яшаб, ўзбеклардан битта ҳам шогирд тайёрламаганига иқрор бўлган рус олимига шундай дейди:

- Ҳатто французлар Жазоир аҳолисини тарбияладилар, шафқатсиз истилочи бўлган инглизлар Ҳиндистонда шогирдлар - етук мутахассислар тайёрладилар. Сизда эса имкон эмас, ҳоҳиш ҳам бўлмаган, нега? Мен шу миллатнинг - ўзбекнинг вакили бўла туриб, нега сизга алоҳида ҳиммат кўрсатишим керак? Қайси хизматларингиз эвазига ва нима учун?

Мустамлака занжири Ватанимиз бўйнида турган даврларда фақат Абдуллаевдек ўзига ишонган, миллатнинг қадрига етадиган инсонгина бу сўзларни айта оларди. Абдуллаевнинг машҳур «Руда ҳосил бўлишининг гранитоид интрузиялар билан генетик алоқаси» номли китоби бутуниттифоқ баҳсига қўйилган эди. Ҳамма олимларнинг китоби ҳам бундай катта баҳсга қўйилмайди. Унинг асари эса собиқ иттифоқ Фанлар академиясининг махсус қарори билан муҳокамага ташланди. Бундан кўзланган асосий мақсад Абдуллаевни шарманда қилиш, шу йўл билан ўсаётган олимнинг номини, дунёга чиқаётган ўзбекнинг йўлини тўсиш, уни бўғиб қўйиш эди. Академикнинг боши кундада турган бир пайтда, унинг китоблари нохос чет элда чиқиб қолди. Мўъжизани қарангки, унинг асарлари Хитой, Америкада чоп этилди. Сўнгра Франция, Буюк Британияда босилди. Бирин-кетин дунё тан олди.

Ҳабиб акани беҳудага «Хизр назар қилган инсон» дейишмасди. Қисматнинг минг турфа ўйинларидан уни қандайдир илоҳий куч асраб қолди. Бу, бизнингча, унинг беназир эътиқоди, пок иймони, қолаверса, у жондан севган Ўзбекистони, Она халқи меҳри эди. Ҳабиб Муҳамедовични тутиб турган, ич-ичидан суяган нарса ҳам шу - Ватан, она заминга бўлган эътиқод эди. У умрининг охиригача ана шу эътиқодга содиқ қолди.

Ҳабиб Муҳамедович узоқни кўра биладиган, башорати тўғри чиқадиган улуғ инсон, улуғ олим эди. Шу боис у Ўзбекистон Фанлар академиясининг келажагини олдиндан кўра олди. Илмий кадрлар етиштириш учун вақтини ҳам, кучини ҳам аямади. Шахсан унинг ташаббуси билан илмий текшириш илмгоҳлари ходимларидан қобилиятли, зукко ёшлар катта илм марказларига - аспирантураларга юборилди. Улар ҳар қанча узоқ жойларда ўқишмасин, домла вақт топиб борар, улар билан суҳбатлашиб, фойдали маслаҳатлар берар, моддий ёрдам ҳам кўрсатарди.

Ҳ.Абдуллаев чинакам ватанпарвар ва ёшлар ҳомийси эди. Шу боис у академиядаги президентлик даврида том маънодаги аспирантура ташкил этилди. Аспирантлар сони ўн баробарга кўпайиб, 1000 кишига етди, фан соҳалари кенгайди. Геология соҳасида тўртта - геология ва геофизика, газ ва нефт конлари географияси ва қидириш, гидрогеология ва муҳандислар геологияси, Ўрта Осиё геология ва минерал хомашё илмгоҳлари очилди. Булардан ташқари сув муаммолари, ёқилғидан фойдаланиш илмгоҳлари ҳам иш бошлади. Марказий Осиёда биринчи бўлиб кибернетика ва ҳисоблаш соҳасига асос солинди. Шу билан бирга у фан докторлари етиштиришга алоҳида эътибор қаратди. У ҳамиша «Академия - фан штаби экан, шунга муносиб бўлиши керак», дерди.

Айни кунда ҳам республикамиздаги номлари жаҳонга маълум соҳа олимларининг аксарият қисми Абдуллаев мактабининг толиби илмларидир.

- Ҳабиб Абдуллаев бевосита кон очмаган, аммо биз шу вақтгача олим назариясидан фойдаланиб келяпмиз, - дейди академик, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори Тўрабек Долимов, - 1960 йилларда Ҳабиб Муҳамедович фанга киритган назариялар ўзининг мевасини ҳозиргача бериб келяпти... Ҳабиб Абдуллаев конлар очишнинг пойдеворини яратди. Унинг илмий ишларининг кўпгина қирралари ҳали очилмаган, ҳар йили унинг янги қирраси кашф этилади.

Мустақиллик шарофати билан академик Ҳабиб Абдуллаев орзулари ушалди. Ватан - Ўзбекистон дунёга бўй кўрсатди, ўтмиши буюк миллат фарзандларининг истиқболи ҳам порлоқ бўлишига дунё ишонч билан қарай бошлади. Юртда адолат қарор топди, миллат фидойилари қатори Ҳабиб Абдуллаев «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди. Шу куни Чиғатой қабристонидаги унинг фариштадек оппоқ ҳайкали пойи гулларга тўлиб кетди...

Бу халқимизнинг, қолаверса, садоқатли шогирдларининг эҳтиром рамзи эди.

**Тўлқин ШОЁҚУБОВ, геология-минерология фанлари доктори, профессор, Миролим АҲМЕДОВ, маъданшунос, Амина ҚОДИРОВА, журналист**

(Боши ўтган сонда).

# «ОЛТИН ТЕРИ»НИНГ КИЧИК КОРХОНАСИ

«Навоийсавдо» ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Олтин тери» кичик корхонаси жунни қайта ишлашга ихтисослашган. Яқинда бу ерга Германиянинг «Флайснер» фирмасидан замонавий асбоб-ускуналар келтириб ўрнатилди. Бу технология ёрдамида йилига 5 минг тонна жунни қайта ишлаш мумкин. Бир тонна хомашёни тайёр ҳолга келтириш учун бир соат кифоя. Эндиликда бу ишни бор-йўғи олти киши компьютер ёрдамида уддалайди.

Корхона маҳсулотларига дастлаб Хива ва Косонсой гилам тўқувчилари харидор бўлган эди. Кейинги пайтда Россия ва бошқа ҳамдўстлик давлатларидан ҳам буюртма туша бошлади. Йил давомида уларга 10 минг тоннадан зиёд хомашё экспорт қилинди.

(ЎзА)

## Назорат

# АКЦИЗ МАРКАСИ ҚАНИ?

***Самарқанд туманидаги Бадал қишлоғида истиқомат қилувчи Шуҳрат Султонов кейинги пайтларда ҳаммага отнинг қашқасидек маълум бўлиб қолган эди. Қош корайиши билан унинг ҳовлисига кириб чиқувчилар кўпайиб қоларди. Бу бежиз эмасди. Шуҳрат поччаси Шербой Косимов билан ўзаро келишиб уйида кўлбола ароқ цехи очган эди. Ароқ савдоси ҳар куни қош корайиши билан бошланиб ярим тунгача давом этарди. Жарак-жарак пулларни кўриб Шуҳрат билан Шербойнинг кўзи қувонарди.***

Одамлар ҳам қизиқда. Беш-ўн сўм арзонга учиб қўлбола ароқдан ўзларига бедаво дард орттириб олишларини ўйлашмайди. Уй шароитида тайёрланган ароқларни ичиб заҳарланганлар ёки икки кўзи кўр бўлиб қолганлар озми орамизда. Барибир ароқ деса ўзини томдан ташловчилар бундан хулоса чиқариб олмайдилар.

Тезкор маълумотлар асосида туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари ўтказган рейд куни Шуҳратнинг яширин цехи гувиллаб ишлаб турган эди. Бир томонда 400 шиша «Марқанд» ароғи, иккинчи томонда 1166 шиша «Зарафшон» ароғи тўла яшиклар тахлоғлиқ турарди. Қош қорайиши билан улар ўз харидорларини топиб кетарди. Лекин бугун қандай турган бўлса шундайлигига туриб қолди. Солиқ хизмати ходимлари уларни далилий ашё сифатида рўйхатга олдилар.

Цех кўздан кечирилганда бир қоп ароқ қопқоғи, 200 литр спирт, 545 дона ёрлиқ, 109 та сохта акциз марка, қўлбола ароқ тайёрлашда қўлланиладиган турли хил восита ва ускуналар мавжудлиги ҳам аниқланди. Тўпланган ҳужжатлар қонуний чора кўриш учун туман прокуратурасига юборилди.

Солиқ хизмати ходимлари ноқонуний товар бойликларини билан савдо қилаётган сохта тадбиркор ва тижоратчилар йўлига мустаҳкам ғов солмоқдалар. Яқинда Каттақўрғон туман деҳқон бозори бўйлаб ўтказилган навбатдаги рейдда акциз маркасиз 52 минг сўмлик ароқни бемалол сотиб ўтирган тижоратчи О.Комилова қўлга тушди. «Султонобод» йўл патрул хизмати ходимлари билан ҳамкорликда «Бухоро-Самарқанд» йўналиши бўйлаб қатновчи «Мерседес-Бенц» автобуси назорат тартибида текширувдан ўтказилганда эса фуқаро Ж.Хидоятов ўзи билан бирга 560 минг сўмлик ҳужжатсиз «Pine» сигаретларини олиб кетаётганлиги маълум бўлди. Каттақўрғон шаҳар Ал-Хоразмий кўчасида истиқомат қилувчи А.Жумаева ва Ғ.Номозов бўлса Қозоғистон Республикасида ишлаб чиқарилган 135 литр этил спиртини айланма йўллар билан олиб ўтаётган пайтида қўлга тушди.

Шундай ҳолатлар Қорақалпоғистон Республикасида ҳам аниқланмоқда. Солиқ хизмати ходимлари ўтказаётган рейдларнинг бирида Амударё туман бозорида 560 минг сўмлик акциз маркасиз тамаки маҳсулотлари билан савдо қилаётган А.Юсупов қўлга тушди. Умуман, кейинги ойларда сохта тадбиркор ва тижоратчилар томонидан 1266 ҳолатда қоидабузарликлар содир этилганлиги аниқланиб, сифат сертификатига эга бўлмаган 106,8 миллион сўмлик маҳсулотлар олиб қўйилди. 71 миллион сўмлик товар моддий бойликлар суд ва солиқ идораларининг қарорларига асосан мусодара этилди. Шунга қарамай фуқаролар томонидан содир этилаётган ноқонуний хатти-ҳаракатлар ҳамон давом этяпти.

Яқинда Манғит шаҳар Гаухман кўчасида истиқомат қилувчи Гулноз Наримбетова чет элда ишлаб чиқарилган 330,5 минг сўмлик товарни сотиш учун олиб кетаётган пайтида ушланди. Унинг ёнида Амударё туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигида истиқомат қилаётган Эркиной Эшонова ҳам бор эди. Эркинойнинг сумкаларига Хитой Республикасида ишлаб чиқарилган 700 минг сўмлик духоба жойлашган эди. Дугоналар қўлида божхона баённомаси ҳам, сифат сертификати ҳам йўқ эди. Улар айланма йўллар билан Нукус шаҳри бозорларини кўзлаб кетишаётган экан.

Бундай ҳоллар амалдаги қонун-қоидаларга зид бўлганлиги учун товарлар тегишли жойларга топширилди. Дугоналарга нисбатан эса баённома тузилди. Солиқ хизмати ходимлари ўтказаётган рейд ва текширувлар давомида нақд пул тушумларини банк муассасаларига топширишнинг аҳволи алоҳида кўздан кечирилаяпти. Шу жараёнда Сурхондарё вилояти Музработ тумани солиқ хизмати ходимлари «Нишон» хусусий фирмаси фаолиятидаги жиддий қонунбузарликни фош этдилар. Фирманинг савдо шохобчаларида назораткасса машиналаридан фойдаланишнинг аҳволи кўздан кечирилганида 4,9 миллион сўмлик савдо пуллари НКМ дан ўтказилмаганлиги, харидоргир товарларни сотишдан тушган 366,1 миллион сўмлик савдо пуллари банк муассасаларига топширилмай бошқа мақсадларга сарфланганлиги маълум бўлди. Қонунбузарликка йўл қўйган савдо шохобчаларига жами 1088 минг сўм молиявий жарима қўлланилди. Агар савдо шохобчаларида солиқ қонунчилиги бузилмаганида жарима сифатида тўланган бу пуллар ёнга қоларди, ходимлар эҳтиёжини қондиришга, иш шароитини яхшилашга сарфланарди. Афсуски, қоидабузарлик бугун жамоа аъзоларига қимматга тушиб турибди.

**Жасур НОСИРОВ, Давлат солиқ қўмитаси Матбуот хизмати бош мутахассиси**

## Жиноятга жазо муқаррар

***Ёшлик - беғубор фасл. Бу даврда ҳар бир йигит ва қиз яхши ўқиб, келажакда бирор касбнинг бошини тутиб, жамият, халқ манфаати йўлида хизмат киладиган комил инсон бўлиб вояга етишни орзу қилади. Бироқ Ш.Маҳкамов ва З.Жабборовалар осон, аммо нопок йўлни танлашди. Мўмай пул топишни ният қилиб, жиноятга қўл уришди.***

# ЙЎЛТЎСАРЛАР

## қора курсида

Бектемир тумани «Қўйлиқ бозори» ҳудудида икки ўсмир ўзаро тил бириктириб, зўрлик ва қўрқитиш йўли билан одамлардан пул ундиришни режалаштиришди. Фуқаро А.Мақсудовни олдиларига чақириб бор будини топширишини, акс ҳолда бу ерда умуман ишлашга қўймасликларини айтишди. Қарангки, ҳали вояга етмаган З.Жабборова иккиланмай ўткир тиғни унинг бўйнига тақади. А.Мақсудовнинг эгнидаги спорт кийимини ҳамда чўнтагидаги бор пулларини шилиб, кўздан ғойиб бўлишди.

Жиноятчи шоввозлар галдаги қинғир ишларини амалга ошириш учун соддароқ, ёш йигитни мўлжалга олишди. Йўлтўсарлар учун қулай жой, албатта, бозор ҳудуди эди. Аввалига улар атрофни обдон кузатишиб, милиция нозирлари йўқлигига ишонч ҳосил қилишди. Одамлар гавжум бўлмаган жойда фуқаро М.Мустафоқуловни қўрқитиб, ундан пул талаб қилишди. Зўравонлар ўша куниёқ милиция ходимлари томонидан ушланди. Жиноятчиларнинг хатти-ҳаракатлари қонун доирасида кўриб чиқилиб, суд уларни озодликдан маҳрум этди.

Аслида уларнинг ёмон йўлга кириб, жиноят содир этишлари нима сабаб бўлди? Эътибор берадиган бўлсак, Ш.Маҳкамов 1983 йилда, З.Жабборова эса 1985 йилда туғилган. Бирор касб эгаси бўлишни ўйлаб ҳам кўришмаган. Ёш қизча эса ҳаттоки, мактабни ҳам тугатмаган. Бироқ иккала шахс ҳам ушбу қилмишларига қадар бошқа бир жиноят содир этишга улгуришганди. З.Жабборова Президентимизнинг Амнистия тўғрисидаги Фармонига асосан жазодан озод этилганди. Ушбу имконият, бағрикенгликнинг қадрига ета билмади. Эътироф этишимиз лозим: ёшларимизнинг бундай йўлга кириб қолишида жойларда, ўқув муассасаларида таълим-тарбиянинг бўшаштириб юборилганлиги, оилада фарзандлар тарбиясига эътиборсизлик сабаб бўлмоқда. Чамаси ҳамма маҳаллаларда ҳам ҳушёрлик, ўзаро талабчанлик муҳити яратилмаган. Лоқайдлик эса ҳамиша қимматга тушади.

**Б. ИРМАТОВ, Ҳамза туман прокурори катта ёрдамчиси, I даражали юрист**

# ВАТАН МУКОФОТИГА ФИДОЙИ МЕҲНАТИМИЗ, САДОҚАТИМИЗ ИЛА ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

***Байрамлар ҳамиша ёрқин из қолдиради. Ўшанда ниятларимиз каттариб, ҳаёт ташвишлари унутилади. Қалбимизда ўз кучимизга ишонч туйғулари баландроқ бош кўтаради, кўнгиллар рағбатдан қувватланади, боболар жасорати қонимизда жўш уради.***

***Ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида меҳнатлари эътироф этилиб, юксак мукофотларга сазовор бўлган юртдошларимизга ушбу мукофотлар айнан Конституция қабул қилинган кун арафасида топширилиши анъанага айланган. Бунинг ўзига хос рамзий маъноси бор. Негаки, ватандошларимиз эришган ҳар бир ютуқда, муваффақиятда Бош Қомусимиз берган ҳуқуқ ва эркинликларимиз ўз ифодасини топган. Зеро, Конституциямиз оламнинг гултожи ҳисобланмиш – инсон, унинг озодлиги, шаъни, қадр-қиммати, оиласи, саломатлигини кафотлатловчи ҳуқуқий ҳужжатдир. Унда фуқароларнинг бурч ва масъулиятлари ҳам ўз аксини топган.***

***Бу йилги Бош Қомусимиз байрамини ҳам ўзгача кайфият ва кўтаринки руҳда кутиб олдик. Президентимизнинг байрам арафасида Бухорода бўлишлари, бу ерда буюк тариқат пири, улуғ аллома Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги катта тантана қилиниши, Шарқнинг гавҳари бўлмиш кўҳна Хоразм вилоятига Жалолиддин Мангуберди ордени, ҳар соҳада ўз ташаббуси ва изланишлари билан тажриба мактабини яратган Андижон вилоятига буюк соҳибқирон Амир Темур орденининг топширилиши ва ана шу анжуманларда мамлакатимиз раҳбарининг халқни руҳлантирувчи ёрқин сўзларидан қалбларга аланга, нур тушди, бўлажак эзгу ишларга йўл очилди.***

***Айниқса, Ватанимизнинг юксак мукофотига сазовор бўлган юртдошларимизни қутлаб, уларга ана шу мукофотлар тантанали равишда топширилиши катта байрамнинг катта туҳфаси бўлди.***

***Таҳририятимизга келаётган хат-хабарлар, телефон қўнғироқларида юксак мукофот ва рағбатга жавобан меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг фидокорликлари ва ташаббуслари ўз аксини топган. Қуйида ана шундай дилномалар билан танишасиз.***

## ОНА ХАЛҚИМДАН КУЧ ВА ИЛҲОМ ОЛАМАН

Дунё боқийлик ва фонийлик ўртасидаги тилсим. Бу тилсим эса феъ-лимиз, ниятимиз, қолаверса хатти-ҳаракатимизга қараб очилади. Негаки, инсон Яратганнинг мўъжизаси. Унинг имконияти ақл бовар қилмайдиган даражада беқиёсдир. Мен бу ҳақиқатни ҳаётимнинг ҳар дақиқасида ҳис қилиб тураман.

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва Олтин Юлдуз нишонига мушарраф бўлганимдан кўнглим фахр-ифтихорга тўлди.

Бу мукофот биринчи галда миллатимга, халқимизга берилган мукофотдир. Чунки, биз ўзбеклар эзгу иш қилган, элга нафи теккан кишиларни кўрсак, устозингга балли, деймиз. Менинг устозим меҳнаткаш халқимдир. Ундан ҳамиша куч ва қувват оламан. Қолаверса, бу мукофот миллий санъатимиз ва санъаткорларимизга кўрсатилган эътибор ва ҳурмат рамзидир. Шунга яраша жавоб бериш ҳар биримизнинг юксак бурчимиздир. Санъат халқники, у ҳамиша халққа хизмат қилиб, уни залворли довонларга, яхшилик ва хайрли ишларга бошлайди.

Алоҳида мамнуният билан таъкидлаш керакки, санъат соҳасига Президентимиз катта эътибори, мададини ҳис қилиб турибмиз. Айниқса, миллий театримизнинг тубдан қайта таъмирланиши халқимиз маънавиятига қўйилган катта тамал тоши бўлди, Негаки, маънавият халқнинг қалбини сайқаллайди, руҳини кўтаради. Актёр ҳам саҳнада, экранда яратган ғоявий, бадиий сиймолари билан бутун бир халқнинг маънавиятини бойитишга, ёш авлодни баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга ўз улушини қўшади. Бу катта бахтдир.

**Зикир МУҲАММАДЖОНОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони**

## «ЛОЧИН» ПАРВОЗИ ЯНАДА БАЛАНДЛАЙДИ

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз азму шижоат соҳиблари, мард ва жасур, тадбирли инсонларни ҳамиша қадрлаганлар ва шундай одамларга суяниб иш тутганлар. Буюк бобокалонимиз орзу қилган ана шундай фазилатларни мен кундан-кўн юртдошларимиз тимсолида ҳис қилиб турибман. Мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб тараққиёт, бунёдкорлик, фаровонлик йўлида меҳнат қилаётган инсонлар алоҳида тақдирланди, меҳнатлари эътироф этилиб, эъзозланмоқда. Инсон қадрланган, меҳнати улуғланган, ҳақ-ҳуқуқлари қонун билан муҳофазаланган жамиятдагина бизнинг юртимиздагидек тинч-тотувлик, ҳамжиҳатлик бўлади. Агар эътибор берган бўлсангиз, ҳар йили Мустақиллик ва Конституция байрами одамларга кўтаринкилик ва руҳиятига куч-қувват бағишлайди. Эркин фуқаро сифатида ҳар бир инсон ўз бурчини теран англайди. Ватан, миллат олдидаги бурч эса уларни янада самаралироқ меҳнат қилишга, масъулликка ундайди. Масалан, мен оддий пахтакорман. Бир пайтлар чигит экишдан тортиб, пахтани қачон йиғиб олишни бировдан маслаҳат сўраб қилардик. Мустақиллик деҳқонга катта ишонч билдириб, ер берди. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлади. Ўзинг ҳам бойи, юртни ҳам бой қил, деб имконият эшикларини кенг очди. Биргина қишлоқ хўжалигига оид 100 га яқин қонун ва қарорлар қабул қилинди. Биз деҳқонлар учун ана шу қонунлар қанот бўлди. Ўзимизни ернинг, мулкнинг ҳақиқий хўжайини деб ҳисоблай бошладик.

Мана, бугун мендек оддий деҳқон кўксига Мустақиллик Қаҳрамонлик олий нишонини тақди. Бу мукофот Президентимизнинг мамлакатимиз деҳқон-фермерлари меҳнатига юксак ишончи рамзидир. Бу ишончга эса фидойилигимиз, ҳалол меҳнатимиз билан жавоб берамиз.

Аллоҳ ҳам инсонни дунёга мўъжизалар яратиш учун келтирган. Мен ҳам камтарона меҳнатим билан «Хатоян» маҳалласида янги мактаб, ёшлар учун спорт маркази, қишлоқ врачлик пункти, шифохона қуриб, эл фаровонлигига ҳисса қўшдим, қолаверса, фермер хўжалигимизда етиштирилган ғалла, сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларидан кам таъминланган оиларга баҳоли-қудрат ҳисса ажратдик. Яхшилик, савоб ишларимиз муваффақиятларимиз омили бўлди. Бу йил пахтадан, ғалладан мўл ҳосил етиштирдик. Уларнинг бари Мустақиллик, мамлакатимиздаги тинч-осойишта ҳаёт шарофатидандир.

**Аҳмат НАРЗУЛЛОЕВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони,**
**Сурхондарё вилояти Денов туманидаги «Лочин» фермер хўжалиги раҳбари**

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 17-мавзе маҳалласида Ватанимизнинг юксак мукофотига, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган кўпгина табаррук инсонлар яшашади. Уларнинг ҳаёти, ажойиб фазилатлари ёшлар учун катта мактабдир. Шу боис табаррук инсонлар, улар амалга ошираётган ишлар кенг тарғиб қилиб борилмоқда.

**Суратларда: маҳалла фаоллари «Фахрийлар – фахримиз» мавзуидаги учрашув олдидан ўзаро фикрлашишмоқда.**

**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

## МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ СЎНМАГАЙ

Вилоятимизга Жалолиддин Мангуберди орденини топширилиши бутун воҳа халқи учун чинакам байрам бўлди.

Бу юксак мукофот авваламбор қадим цивилизация бешиги бўлган дунёга Мусо Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд сингари буюк зотларни берган, айни кунда ҳам яратувчилик меҳнати билан мамлакатимиз қудратини оширишга ва тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган хоразмликларга давлатимиз ва халқимизнинг ҳурмат-эҳтироми рамзидир.

Президентимиз вилоятимизга Жалолиддин Мангуберди орденини топшириш маросимида сўзлаган ҳаяжонли нутқида воҳа шифокорлари меҳнатига юксак баҳо берди. Бу эса соҳа ходимларини янги меҳнат зафарларига етаклаб, уларнинг ташаббускорлигини янада оширмоқда. Ҳақиқатан ҳам вилоятимизда эл-саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолига намунали хизмат кўрсатишда ибратли ишлар амалга оширилди. Кейинги йилларда 106 та қишлоқ врачлик пункти, болалар шифохонаси, Шошилинч тиббий ёрдам маркази, онкология касалхонаси, туманлардаги бир қатор шифохоналар тубдан қайта таъмирланиб, аҳолига замонавий малакали тиббий хизмат тармоқлари кенгайтирилди. Энг муҳими, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, тажрибали шифокорлар фаолият кўрсатаётган шифохоналаримизда ҳар қандай касалликка тез ва аниқ ташхис қўйилиб, даволаш ишлари амалга оширилмоқда. Ҳолбуки, яқин-яқингача воҳа экологиясининг бузилиши туфайли турли дардга чалинган беморларимиз шифо истаб пойтахтга қатнашга мажбур эдилар. Бу биринчидан ортиқча маблағ, иккинчидан вақт талаб қилар, қолаверса, саломатлиги ночор кишилар учун турли қийинчилик ва муаммоларни келтириб чиқарарди. Бугун эса вилоятимиз минтақада замонавий диагностика марказига айланган. Айниқса, Урганч шаҳридаги замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган кардиохирургия марказимизда бугунги кунда энг нозик жарроҳлик операциялар амалга оширилмоқдаки, буларнинг замирида шифокорларимиз изланиши ва самарали меҳнатлари ётади.

**Бектурди МАТКАРИМОВ,**
**Хоразм вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси**

Журналистика ҳаётим мазмунига айланган. Унинг машаққатларисиз ўзимни тасаввур қилолмайман. 40 йилдирки ана шу саодатман йўлдаман. Умримнинг энг гўзал ва куч-қувватга тўла онлари газета ишида ўтди. Республикамизда фотомухбир сифатида мен бормаган корхона, хўжалик йўқ ҳисоби. Қайга бормай меҳнаткаш халқим эришган ютуқлардан қувониб, жўшқин жараёнларни суратларимга муҳрлаб, камчиликларни вақтида фош этишга ҳаракат қиламан.

## ҲАЁТ ҚАЙНАГАН ЖОЙДА

Камтарона меҳнатим юксак баҳоланиб «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» унвонига эга бўлганимдан қувончим чексиз. Энг муҳими, фарзандларим, ёру дўстларим олдида юзим ёруғ бўлди. Тўғриси инсон учун меҳнатининг самарасини кўриш жуда завқли. Асли ижодкорлик кўнгил иши. Ёруғ ниятни кўнглингга тугиб ижод қилсанг, халқ, миллат қиёфаси, яратувчанлик меҳнати суратларингда акс этади. Мен оддий сураткаш журналист сифатида ҳамиша халқ ичида бўламан, ундан илҳом ва куч олиб яшайман. Айниқса, истиқлолга эришганимиздан сўнг Ватан озодлиги, халқимиз фидойилиги кучимга куч қўшди. Бировлар кўрсатмаси билан иш юритишдан қутилдик, эркин ижод йўлига қадам қўйдик.

Ҳозир «Халқ сўзи» газетасида фаолият кўрсатаяпман. Замонамиз қаҳрамонларини излаб топиб, уларнинг эзгу ишларини халққа етказиш, яхши ташаббусларни элга намойиш қилиш фаолитим мезонини ташкил этади.

Президентимиз Фармонига кўра берилган мукофот ижодкор дўстларим қатори мени ҳам янги меҳнат ютуқлари сари илҳомлантирмоқда. Ниятим мустақиллик қиёфаси, миллат мавқеини белгилайдиган ижод намуналарини яратиш, гўзал Ўзбекистонимиз сурати ва сийратини жаҳон матбуоти саҳифаларида акс эттиришдир.

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ,**
**«Халқ сўзи» газетаси фотомухбири**

## ИЛМ ЎЗНИ АНГЛАМОҚДИР

***Биз маърифат аҳлининг юрагимиз тўла яхшилик. Кўзларимиз тўла умид. Йўлимиз эзгуликка туташ. Насиб этса биз тарбиялаган, қалбига илм нурини олиб кирган шогирдларимиз эртага она юртимизга қалқон, халқимизга мададкор бўлади.***

Шу боис биз устозлар ҳар бир бола қалбини бир дунё деб билиб, уларга алоҳида эътибор берамиз. Президентимиз айтганларидек, ҳар бир инсонда муайян даражада интеллектуал салоҳият мавжуд. Агар ана шу ички қувватнинг тўлиқ юзага чиқиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилса, тафаккур қотиб қолган эски тушунча ва ақидалардан халос бўлади. Ва ҳар қайси инсон Аллоҳ таоло ато этган қобилият ва истеъдодини аввало ўзи учун, оиласининг, миллати ва халқининг, давлатининг фаровонлиги, бахт-саодати учун тўлиқ бахшида этса, бундай жамият кучли тараққиётга эришади. Ихтисослашган мактаб-интернатимиз ўз фаолиятида Юртбошимизнинг мазкур даъватини дасturиламал қилиб олган. Баркамол авлод орзу рўёбга чиқишига ўз ҳиссамизни қўшиш бизга ҳам масъулият юклайди, ҳам куч-ғайрат бағишлайди.

Иқтидорли болалар таълим олаётган мактаб-интернатимиз жаҳон андозалари даражасида жиҳозланган. Ҳар бир фан ўқитувчилари танлов асосида ишга олинган. 16 нафар ана шундай иқтидорли, ташаббускор ўқитувчиларнинг ҳар бири ўз касбининг моҳир билимдони. Ижодкор ўқитувчимиз Муроджон Шокиров тарих фанидан муҳим методик қўлланма яратди. Бундай қўлланмалар бугун ҳам ўқитувчи, ҳам ўқувчилар учун жуда зарур. Ана шундай педагогларнинг саъй-ҳаракатлари билан ўқувчиларимиз ҳар йили вилоят ва республика олимпиадаларида дипломларни қўлга киритмоқдалар. Ўтган йили мактабни тугатган ўқувчиларимизнинг 100 фоизи олийгоҳларда ўқиётгани, 4 нафари эса Европадаги нуфузли олийгоҳларда таълим олаётгани ҳам биз учун шарафдир.

Ҳақиқатан ҳам мактабимизда иқтидорли болалар жамланган. Уларни биз катта танлов асосида саралаймиз. 9-синфда ўқиётган Артур Икромов республика болалар парламенти аъзоси, фақат аълога ўқийди. Бундан ташқари кўплаб ўқувчиларимиз вилоят ҳокимияти ва касаба уюшмалари стипендианти.

Мактабимизга тез-тез хорижлик меҳмонлар ташриф буюради. Уларга ўзимизнинг гўзал урф-одатларимиз, қадриятларимиз, миллий анъаналаримиз билан бирга ўзбек болаларининг илм соҳасидаги салоҳиятини намойиш этамиз.

Бугун биз маорифчилар нимага эришган бўлсак, мамлакатимизда ҳукм сураётган одил сиёсат, таълимга эътибор, ёшларга ғамхўрлик туфайлидир. Шу маънода мен ва юзлаб бошқа ҳамкасбларим берилган мукофот аввало халқ таълимига кўрсатилаётган эҳтиром рамзи, қолаверса соҳада меҳнат қилаётган заҳматкаш муаллимларга ҳурмат ифодаси деб биламиз.

**Саиджон РАҲМОНОВ,**
**Ғиждувон туманидаги 62-ихтисослашган мактаб-интернат директори, «Шуҳрат» медали соҳиби**

## КАТТА ИШОНЧ — КАТТА ИШЛАРГА ЧОРЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 11 йиллиги арафасида Президентимизнинг шахсан ўзлари вилоятимизга Соҳибқирон Амир Темур орденини топширганлари бутун андижонликлар каби бизнинг жамоамизни ҳам беҳад қувонтирди. Бу аввало халқимиз меҳнатига берилган юксак баҳодир. Бу мукофот бизни қанчалик руҳлантирган бўлса, зиммамизга шунчалик масъулият ҳам юклади. Ана шу масъулиятни сезган ҳолда ватанимизни ўзимизнинг меҳнатимиз ва янги ютуқларимиз билан бойитамиз. Қандай касбда ишламайлик Юртбошимизнинг вилоятимиз ва унинг халқи ҳақида айтган қуйидаги сўзлари: «Андижон элининг ўзига хос салоҳияти, олижаноб фазилатлари айниқса, истиқлол йилларида юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш жараёнларида яққол намоён бўлмоқда... Бу ерда яшайдиган одамларнинг ноёб фазилатларга эга экани, марддлиги ва вафодорлиги, ташаббус ва интилувчанлиги ҳақида кўп гапириш мумкин» ҳар бир андижонликни янги меҳнат зафарларига чорлаб, азми шижоатда бундан кейинги одимлари янада шаҳдам бўлишига даъват этмоқда.

Бу борада маорифчиларимиз кўрсатаётган фидойилик таҳсинга лойиқдир. Айни кунда туманимизда 2 та лицей, 2 гимназия, 5 та мактабдан ташқари муассаса, 42 та умумтаълим мактаби фаолият кўрсатмоқда. 30 мингдан ортиқ ўқувчига таълим бераётган илмгоҳларимизни жаҳон таълим тизимига мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор бераяпмиз. Масофадан ўқитиш тизимини йўлга қўйиш учун 10 миллион сўм сарфланди. Шунингдек, ҳомий ташкилотлар кўмаги билан янги мактаблар қурилиб ишга туширилди. Хорижий давлатлар билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилиши натижасида мактабларимизнинг моддий техника базаси мустаҳкамланди. 42-, 43-мактаб Японияндан келтирилган китоб жавонлари, тикув машиналари, аудио-видео, ксерокс, рангли телевизор, диктофон каби ўқув-ахборот воситалари билан жиҳозланди. Эндиликда ўқувчиларимиз синфхонада туриб интернетга уланиб, дунёнинг исталган давлатидаги тенгдошлари билан ахборот алмашиниб, дискетлар ёрдамида қўшимча маълумотлар оладилар.

Амалга ошираётган бундай хайрли ишларимиз ўқувчиларнинг билим салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. Республика миқёсидаги фан олимпиадаларида ўқувчиларимиз фахрли ўринни қўлга киритмоқда. Биргина «Баркамол авлод» мусобақаларида туманимиз ўқувчи-ёшлари 4 та олтин медали қўлга киритдилар. Бундай эзгу ишда касабақўм билан маъмуриятнинг ҳамкорликдаги фаолияти қўл келмоқда.

**А.СУЯРҚУЛОВ,**
**Марҳамат туман халқ таълими бўлими мудири**

## БИР ФАРМОН ШАРОФАТИ

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»-ги Фармон чинакам инсонпарварлик намунаси. Чунки, турли сабаблар билан жиноятга қўл урриб, озодликдан маҳрум этилганлар ортидан уларнинг оиласи, ота-оналари, фарзандлари, ёру дўстлари ҳам азият чекадилар.

Кейинги йилларда юртимизда қонунлар устуворлигини таъминлаш, суд ислоҳотларини чуқурлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаш борасида яхши ишлар қилинди. Айниқса, инсонпарварлик ва адолат тамойилларига йўғрилган жазони либераллаштириш сиёсати натижасида Жиноят Кодексига бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Қанчадан қанча билиб-билмай жиноятга қўл урган кишилар қамоқ жазосидан сақлаб қолинди. Ана шундай инсонпарварлик ғояларига йўғрилган Фармоннинг қабул қилиниши мамлакатимиздаги кўплаб хонадонлар қатори бизнинг қариндош уруғлар учун ҳам яхшилик келтирди.

Одам баъзида билиб-билмай, эҳтиётсизлик орқасидан жиноят содир этади. Фармонда бунга алоҳида эътибор қаратилган. Биринчи марта жиноят содир этганлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган қилишни содир этганлар. жазодан озод этилишилари ҳақида ўқиганимда рости кўзларимга ёш келди. Гап шундаки, акам ҳам хизмат вазифасини бажараётганда эҳтиётсизлиги туфайли жиноят содир этганди. У мана бир йилдан бери қамоқда. Оиласи, икки фарзанди, биз қариндош уруғлар уни ўйлаб ҳаловатимизни йўқотган эдик. Президентимиз Фармони кўнглимизни ёритди.Дўноларнинг айтишларича, яхшилик яхшиликка, ёвузлик ёвузликка йўл очар экан. Бу ҳикмат замирида катта маъно бор. Давлатдан меҳр-мурувват, эзгулик кўрган, жиноятга авф этилган инсонлар ҳам албатта яхшиликка, юртимиз истиқболига хизмат қилишларига ишонаман.

**Ирода МАВЛОНОВА,**
**Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани**


## «OQ OLTIN-ES» ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ДИҚҚАТИГА!

**Акциядорларининг 2003 йил 12 декабрда ўтказилган навбатдан ташқари Умумий Йиғилишининг муҳим фактлари тўғрисида ахборотнома.**

**Маълумот тартиб рақами-07.**

1. Кузатув Кенгашининг қарори билан акциядорлар рўйхатининг ёпилиш санаси 2003 йил 12 ноябр қилиб белгиланди.

**Маълумот тартиб рақами-09.**

2. Акциядорлик жамиятининг тўлиқ номи-«OQ OLTIN-ES» очиқ акциядорлик жамияти.

Манзили - Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, Навоий савдо растасидаги «Узсаламан» магазини.

Умумий Йиғилиш тури - навбатдан ташқари.

Умумий Йиғилиш ўтказилиш шакли-овоз бериш бюллетенлари орқали.

Умумий Йиғилиш ўтказилган манзил - Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, Навоий савдо растасидаги «Узсаламан» магазини (мажлислар залида).

Умумий Йиғилиш кворуми-13616 дона овоз (94,94%)

Кун тартибидаги масалалар, берилган овозлар сони ва қабул қилинган қарорлар.

1. Ташкил этилаётган масъулияти чекланган жамиятга «OQ OLTIN-ES» номи берилсин.

Розиман - 13616 дона - 100%
Қарши - йўқ
Бетараф - йўқ

2. Ўтказиш далолатномаси тасдиқлансин.

Розиман - 13616 дона - 100 %
Қарши - йўқ
Бетараф - йўқ

3. Устав капиталининг ҳажми, тартиби ва қисмларни тақсимлаш тасдиқлансин.

Розиман - 13616 дона - 100 %
Қарши - йўқ
Бетараф - йўқ

4. МЖЧ Устави тасдиқлансин.

Розиман - 13616 дона - 100%
Қарши - йўқ
Бетараф - йўқ

5. Таъсис шартномаси тасдиқлансин.

Розиман - 13616 дона - 100%
Қарши - йўқ
Бетараф - йўқ

6. «OQ OLTIN-ES» МЧЖнинг директори лавозимига Х.Х.Инагамов номзоди тасдиқлансин.

Розиман - 13616 дона - 100%
Қарши - йўқ
Бетараф - йўқ

7. «OQ OLTIN-ES» МЧЖнинг Кузатув Кенгаш аъзолигига 3 кишидан иборат қуйидаги номзодлар сайлансин:

1. М.М.Файзиев
2. Б.М.Самиков
3. Д.Б.Вакилов

Розиман - 13616 дона - 100%
Қарши- йўқ
Бетараф - йўқ

8. «OQ OLTIN-ES» МЧЖнинг Тафтиш комиссияси аъзолигига 3 кишидан иборат қуйидаги номзодлар сайлансин:

1. А.К.Вахабов
2. Р.М.Джураев
3. А.А.Абдуразаков

Розиман - 13616 дона - 100%
Қарши - йўқ
Бетараф - йўқ

9. Ички низомлар тасдиқлансин

- Кузатув Кенгаш тўғрисидаги.
- Тафтиш комиссияси тўғрисидаги.
- Жамиятни Бошқарув органи тўғрисидаги.

Розиман - 13616 дона - 100%
Қарши - йўқ
Бетараф - йўқ

**Кузатув Кенгаши**

*Мозий акс садоси*

# КАРВОНЛАР ЎТАДИ ШАҲРИ НАСАФДАН...

***Юнеско Бош конференциясининг 32-сессиясида Карши шаҳрининг 2700, Маъмун академиясининг минг йиллигини 2004-2005 йилларда халқаро миқёсда кенг нишонлаш ҳақида карор қабул қилинди.***

Мамлакатимизда қадимий шаҳарлар кўп. Биргина Қашқадарёнинг қуйи этакларида неолит даврига мансуб 45 та, жез даврига оид 30 дан ортиқ кишилик манзилларининг мавжудлиги воҳа тарихининг олис мозийга алоқадорлигини исботлайди. Ўлкамиз йирик шаҳарларидан бири Қаршининг таржимаи ҳоли ўттиз аср теграсидан бошланади.

Кейинги йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасига кўра мелоддан аввалги VIII-VII асрларда, яъни 2700-2800 йил аввал шаҳарсозлик маданияти ривожлана бошлаган.

Қашқа воҳасида биринчи шаҳар ҳозирги Қаршидан 3 километр шимолда жойлашган қадимги Ерқўрғонда эрадан аввалги VIII-VII асрларда шаклланган. VI асрда унинг 35 гектар майдони мудофаа девори билан ўралган бўлиб, қаттиқ муҳофаза этилган.

Қарши тарихи Бобил (Ирок), Александрия (Миср), Ереван (Арманистон), Таксила (Покистон) каби қадимги шаҳарлар ривожига ўхшайди. Чунончи, VI асрда Турк ҳоқонлиги билан Эрон Сосонийлари ҳарбий коалицияси томонидан Эфталитлар империясига қарши олиб борилган жангларда Ерқўрғон ёниб, вайронага айланади. Бу воқеадан сўнг воҳа пойтахти Ерқўрғондан 5 километр жануби-ғарбда, Қашқадарё жануби соҳилида, ҳозирги Шулликтепа ўрнида қайта тикланди. У тарихда Нахшаб (Насаф) номи билан маълум ва машҳур.

Нахшаб XIII асрда Чингизхон босқинчилари томонидан ёндирилиб, вайрон қилинган. Шундан кейин воҳа маркази учинчи маротаба ҳозирги Қаршининг эски шаҳри қисмида қайтадан тикланди.

XIII асрда яшаган сайёҳ ва олим Ёқут Ҳамавий «Нахшаб-Мовароуннаҳр шаҳарларидан бири. У Самарқанд билан Амударё ўртасида жойлашган... Нахшаб ва Насаф иккаласи бир жой. Нахшаб билан Самарқанд ораси уч манзил. Насаф ҳақида ал-Истаҳрий: «Қалъа ва девори бўлган бир шаҳардир, – дейди. У Бухоро ва Балх йўлида: текис ерга жойлашган бўлиб, тўртта дарвозаси бор. Кеш томондаги тоғлар Насафдан икки манзилли йўлдир. Насаф билан Амударё орасида қуруқ чўл бор. Насафда биттагина анҳор бўлиб, у шаҳардан чиқиб қишлоқларга таралади», деб ёзади.

Демак, Қарши Турон заминида ўз нуфузи ва салоҳиятига эга бўлган. 1973 йилда Ўзбекистон археология институти Қашқадарё экспедицияси Ерқўрғонда қидирув ишларини амалга оширишга киришди. Ўзбекистон Миллий университети археология кафедраси мудири, профессор Рустум Сулаймоновнинг таъкидлашича, 150 таноб майдонни эгаллаган бу манзилгоҳда кўҳна қалъа қолдиқлари аниқланган. Қалъа марказида ҳукмдор манзилгоҳи, сарбозлар истиқомат қиладиган жойлар, қурол-аслаҳалар ясаладиган устахоналар, коҳинлар ва улар учун хизмат қиладиган ибодатхоналар ўрни топилган.

Шаҳар яйдоқ чўл ўртасида, Қашқадарё ўзанига яқин жойда ўтроқ аҳоли манзили сифатида вужудга келган ва эрага қадар XI-X асрларда Искандар Зулқарнайн суворийлари қадами етган муқаддас замин бу. Ерқўрғонда муттасил илмий текширув олиб бориб, ибодатхона, қаср ва бошқа бино қолдиқларини излаб топиб тадқиқ этган олимлар М.Исомиддинов, Р.Сулаймоновларнинг сўзига қараганда, амалга оширилган қазув ишлари қадимий Суғдиёна маданиятини ўрганишда катта аҳмиятга эга.

Ерқўрғон обидалари орасида ибодатхона мажмуи алоҳида ўрин эгаллайди. Археологларнинг аниқлашича, ибодатхона эрамизнинг биринчи минг йиллиги ярмида амалда бўлган. Текширувларда кул ва кўмир, темирнинг эриган ва қотишма қолдиқлари, пишиқ ғиштлар, чирокдонлар, тўқувчилар ишлатадиган сопол лангарлар, кўза ва хумлар, ҳар хил ҳайкалчалар, ҳайвонлар, қушлар, туялар, қўйлар, бургутлар шакли-шамойили акс этган бўлакчалар, эранинг III-V асрларига оид тангалар топилди.

...Тун пардаси атрофни қоплаган. Олисда паст-баланд тепаликлар қорайиб кўринади. Туя ўркачли қирликларнинг энг каттаси-Шулликтепа. Маҳобатли ва юксак.

Кўпчилик яқин-яқингача тепалик тарихидан хабардор эмас эди. Пахта якка ҳокимлигининг асорати туфайли тепаликларнинг бир қисми текисланиб ерга қўшилди.

Қиш ва баҳор ойларида ёғингарчиликдан сўнг паст текисликлар атрофига кўп миқдорда сув тўпланар ва йил бўйи сақланарди. Кўлмаклар ичида катта-катта зулуклар сузиб юрарди. Халқ табобати билан шуғулланувчилар жонзотларни териб олиб, қон босими ошган кишиларни даволаш билан шуғулланишарди.

Бир вақтлар зулуклар ва йирик илонлар макони бўлган бу маскан Нахшаб, Нахшибало деб аталган қадимий шаҳар харобаларининг ўрни эканлиги энди аниқланди.

Қарши қадимий Новток-Ерқўрғон, Заҳҳоки, Морон, Насаф шаҳарларининг давомчиси ва вориси ҳисобланади. Турли давраларда Новток-Жанубий Суғднинг, Насаф-Жанубий Турон заминининг, Қарши эса Кебехон давлатининг пойтахти бўлган.

Мўғул истибдоли кечган асрлар Чиғатой авлодининг кейинги вакиллари учун Қарши воҳаси муҳим стратегик қароргоҳ ҳисобланган. Ҳозирги темирйўл вокзали яқинидаги қадимий Заҳҳоки Морон шаҳристони вайроналари ўрнида хон Кебек ўзининг саройини тиклайди. Тарихий асарларда қайд этилганидек, 1318 йилда вужудга келган янги шаҳар «Қарши» деб атала бошлайди.

Муқаддас гўшадан бутун Шарқда довруғ таратган юзлаб Насафийлар етишиб чиққан. Айниқса, буюк жаҳонгир Темур ва Темурийлар даврида у гуллаб яшнаган, иқтисодий ҳаёт, илм-фан, маданий турмуш қулф урган. Шайбонийлар, Аштархонийлар, Манғитлар ҳукмронлиги даврини бошдан кечирган.

Мустақиллик шарофати билан юртимизда миллий қадриятларни тиклаш, бой тарихимизни, маданий меросимизни ўрганиш, маънавиятни юксалтириш соҳасида кўп иш қилинмоқда. Шу жиҳатдан олиб қараганда Қашқадарё тарихини чуқур ва илмий асосларда мукаммал ўрганиш, ўтмиш авлодлар қолдирган бебаҳо ёдгорликларни таъмирлаш, маданиятимизни бойитиш, халқимиз даҳосининг тимсолига айланган буюк алломалар номларини яна бир бор қайтадан дунёга танитиш шарафли бурчимиз.

– 1999 йилда олиб борилган қазишма ишлари натижасида кўпгина осори-атиқалар қўлга киритилди, – дейди қадимшунос олим Р.Сулаймонов. – Кулолчилик маҳалласида сақланиб қолган ички девор атрофларидан ўпирилиб йўқолиб кетган дастлабки шаҳар қолдиқлари топилди. Бу шаҳарнинг дастлабки мудофаа девори бўлган. Экспедициямизнинг олиб борган тадқиқотлари жараёнида шаҳарнинг девори эрамиздан аввалги VI асрларда қад ростлагани, ўша давр қурилиш ашёсига хос узунлиги 0,5 метрлар ўлчамли тўғри бурчакли ғиштлардан фойдаланилганлиги аниқланди.

Турон заминнинг марварид шодаси, мулки-маъданнинг бебаҳо гавҳари Қарши истиқлолнинг нурафшон ёғдуларидан баҳра олиб, ривожланишнинг ойдин йўлига ўтди.

Вилоят марказининг ҳудуди 75,51 квадрат километр. Шаҳарда ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакилларидан иборат 212 мингдан зиёд аҳоли яшайди. 62 та маҳалла фуқаролар йиғини, 44 та мактаб, 55 та болалар боғчаси, 1 та лицей-интернат мактаби бор. Қарши Давлат университеси, Муҳандислик иқтисодиёти институти, Республика акушерлик-гинекология институтининг Қарши филиали, ўнлаб касб-ҳунар коллежлари ишлаб турибди. 13 та шифоатхона, 11 та маданият уйи, 13 та кутубхна, 2 та мусиқа мактаби, 3 та маданият ва истироҳат боғи, кўплаб ўйингоҳ ва теннис кортлари фаолият кўрсатмоқда.

Шаҳарда 3067 та корхона бўлиб, шундан 384 таси йирик, 199 таси ўрта, 517 таси кичик корхоналар, 1967 таси эса микро фирмалардир.

Еттита қайта ишлаш фабрикасига эга «Каштекс» мажмуаси, хилма хил эркаклар куйлаклари ва спорт буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Санам» ҳиссадорлик жамияти, турли диаметрдаги газ ва сув қувурлари тайёрлаётган «Қаршитермопласт» заводи, ўзининг юқори сифатли ўсимлик мойи билан ички ва ташқи бозорда шуҳрат қозонган «Қаршиёғэкстракция» акциядорлик жамияти, чиройли чинни буюмлар ишлаб чиқараётган Неъмат Тўраев каби тидбиркорлар билан машҳур.

Йўллар... Йўллар сизни Мағрибу-Машриққа элтади. Афғонистон, Эрон, Покистон каби Шарқ мамлакатларига олиб борадиган Тошгузар Бойсун-Қумқўрғон темир йўли ҳам Қарши орқали ўтади.

Улкан яратувчанлик ва бунёдкорлик ишлари билан машғул бўлган қаршиликлар Мехр ва мурувват йилида жонажон шаҳарларининг 2700 йиллигини нишонлашга пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Федерация кўчма кубоги учун*

# ТЎП ЎЙИНГА КИРИТИЛДИ

***Ташкарида кумуш киш фаслининг кўрки — оппоқ кор ял-ял товланади. Ҳаво ҳам анча совук. Гарчи ўйинлар спорт залида ўтаётган бўлса ҳам бундай об-ҳавода футбол ўйнашнинг ўзи бўлмайди. Шунга карамай кеча эрталабдан Ўзбекистон Миллий университетининг спорт мажмуи мини футбол ихлосмандлари билан гавжум бўлди. Бу ерда мини футбол бўйича республика касаба уюшмалари Федерацияси кўчма кубоги учун тармоқлараро турнир бошланди.***

Республика миқёсида учинчи маротаба ташкиллаштирилган ушбу турнирда бу гал ҳам ҳар бир тармоқдан биттадан, жами 15 та энг кучли жамоа қатнашмоқда. Турнир низомига кўра мусобақада 25 ёшдан юқори бўлган футболчиларнинг қатнашишига рухсат этилган.

Қуръа натижаларига кўра жамоалар тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда ғолиблик учун беллашадиган бўлдилар. Хусусан, «А» гуруҳидан «Матбуотчи», «Темирйўлчи», «Зафар» ҳамда турнирнинг ўтган йилги ғолиби — «Алоқачи» жамоалари жой олишди. «В» гуруҳида эса «Маорифчи», «Шифокор», «Ҳосилот» ва «Машинасоз» жамоалари ўз куч ва маҳоратларини синовдан ўтказишса, «С» гуруҳида «Тадбиркор», «Нурчи», «Семурғ», «Бинокор» командалари жамланишди. «Сўғдиёна», «Автомобилчи» ва «Авиатор» жамоалари сўнгги, «Д» гуруҳини тўлдиришди.

Энди бевосита мусобақалар хусусида тўхталсак. Турнирнинг биринчи учрашувида «Алоқачи» ҳамда «Зафар» жамоалари майдонга тушдилар. Ўйин анча шиддатли тус олди. Бироқ, охир-натижада алоқачилар ўз рақибларидан анча кучли эканлигини исбот этдилар: 6:1. «Маорифчи» ва «Машинасоз» футболчилари ўйинида эса 9:2 ҳисоби қайд этилди. «Бинокор» ҳамда «Тадбиркор» жамоалари ўртасидаги баҳс ҳам анча қизиқарли ўтди. Рақиб жамоа аъзолари қанчалик ҳаракат қилишмасин, «Бинокор» ўйин бошиданоқ ташаббусни ўз қўлига олишга интилди ва бунга эришди ҳам. Бу эса якуний ҳисобда ўз аксини топди. Ҳисоб 9:4. Кейинги ўйинлар натижалари қуйидагича кўриниш олди:

«Матбуотчи» - «Темирйўлчи» 5:3, «Шифокор» - «Ҳосилот» 9:2, «Нурчи» - Семурғ» 7:2, «Автомобилчи» - «Авиатор»3:2.

Шундан сўнг турнирнинг тантанали очилиш маросими бошланди. Унда иштирок этган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раисининг ўринбосари Озода Муҳиддинова мусобақа иштирокчиларини табриклаб, жумладан шундай деди:

— Меҳнаткашларни оммавий соғломлаштириш ишларида спортнинг ўрни беқиёс. Биз ишчи-ходимларимизнинг соғлом бўлишини истаймиз. Зеро, бу ҳам ижтимоий ҳимоянинг бир кўринишидир. Ўзбекистон касаба уюшмалари ташаббуси билан ташкил этилаётган турли оммавий спорт тадбирлари ана шу эзгу мақсадга йўналтирилган.

Турнир беллашувларини кузатар эканмиз, «Бинокор» жамоаси ҳужумчиси ўзининг абжир ҳаракатлари, ажойиб дриблинглари билан диққатимизни ўзига тортди. Ўйин якунлангач, биз унинг мусобақа тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик:

— Уй-жой қурилиш бошқармасида таъмирчи бўлиб ишлайман. Болалигимдан футбол жону дилим. Шунинг учун ҳам футбол ўйнашни канда қилмайман. Бу турнирда эса биринчи маротаба иштирок этяпман. Мусобақадаги илк дебютим муваффақиятли чиқди. Биринчи ўйинда рақиб жамоа дарвозасини тўрт марта ишғол этдим. Бундай турнирларнинг ўтказилиши бизга кўтаринки кайфият бахш этиш билан бирга, меҳнат унумдорлигининг ошишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади, — дейди «Бинокор» аъзоси Миржамил Ғуломов.

Турнир давом этмоқда.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**«Ишонч» мухбири**
**Икром ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**

*Бор бўл, оқибат!*

## КЎПРИК ҚУРГАН ОТАХОН

Бахмал тумани «Сангзор» хўжалигидаги Қора қишлоғида истиқомат қилувчи Жўман Нуримов кўприк қурди. У ҳаж сафари учун тўплаган жамғармасидан қарийб 300 минг сўмини ана шундай савобли ишга сарф этди.

## «МЕҲРИБОНЛИК УЙИ»ГА ХУШТАЪМ МАҲСУЛОТЛАР

Жиззах шаҳридаги «Эл-юрт ҳурмати» ордени нишондори Ғани ота Обидов раислик қилаётган Олмазор маҳалласи жамоаси шаҳардаги «Меҳрибонлик уйи»га икки машина қишлоқ хўжалик маҳсулотлари инъом этди. Маҳалла боғида етиштирилган мевалар, полиз маҳсулотларидан тарбияланувчилар баҳраманд бўлдилар.

**Б. НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Ибрат*

***Киш кунлари бир тутам. Урганчдаги «Динамо» спорт жамиятида мураббий бўлиб ишлаб юрган Рустам полвон Йўлдошев дарс машғулотларини тугатиб, уйига қайтаётганида атрофга тун ўз сепини ёйиб улгурган эди.***

# ПОЛВОНЛАР ОИЛАСИ

Йўлакда ундан ўн беш қадам олдинда нозиккина бир аёл борарди. Шу пайт унинг олдида икки йўлтўсар пайдо бўлди-да, аёлнинг сумкасига чанг солди. Рустам полвон ёрдамга ошиқди. Йўлтўсарларнинг бириси аёл сумкасини олиб, жуфтакни ростлаб қолди. Иккинчиси эса полвоннинг бақувват қўлларидан қочиб кетолмади. Р.Йўлдошев йўлтўсарни шаҳар ички ишлар бўлимига топширди. Кўп ўтмай милиция ходимлари унинг шериги-ниям топиб келишди. Булар турмадан қочган хавфли жиноятчи эканлиги маълум бўлди.

Бу воқеа 80-йилларда содир бўлганди. Ҳозир Р.Йўлдошев Урганч шаҳрида истиқомат қилади. Яқинда у пайғамбар ёшини нишонламоқчи. Отахон биринчилардан бўлиб Хоразм воҳасига самбо курашини олиб кирган. У Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия олийгоҳини имтиёзли диплом билан тугаллагач, ўз фаолиятини вилоят «Динамо» спорт жамиятида бошлади. Шу билан бирга республика ва Халқаро мусобақаларда қатнашиб, совринли ўринларни эгаллади.

Кўп ўтмай Р.Йўлдошевни вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитасига қарашли 1-сон вилоят болалар ва ўсмирлар мактабига олдин мураббий, кейинчалик директор қилиб сайлашди. У шу масканда ишлаб 30 дан зиёд спорт усталарини тайёрлади. У етиштирган самбо кураши бўйича халқаро тоифадаги спорт усталари ҳамда халқаро мусобақаларнинг ғолиблари Р.Машарипов, А. Йўлдошев, Т.Бобожонов, Б.Бекматов ва бошқалар Хоразм самбо курашининг фахри ҳисобланади. Уч оға-ини спорт усталари Ҳаётбой, Баҳодир ва Наримон Бекчоновлар ҳам Рустам полвоннинг шогирдлари ҳисобланади.

Отахон ўз оиласида чинакам спортчиларни тарбиялаб етиштирди. Қуш уясида кўрганини қилади, дейишади. Унинг тўрт ўғли ҳам полвон бўлиб етишди. Катта ўғли отасининг ишини давом эттириб, 1-сон вилоят болалар ва ўсмирлар спорт мактабига раҳбарлик қилмоқда. Алишер, Арслон ва Русланлар ҳам ота касбини эъзозлашиб, кураш турлари бўйича мураббийлик вазифаларида ишлаб, ёш полвонларга сабоқ бермоқда. Ўзлари вилоят ва республика мусобақаларида қатнашиб, совринли ўринларни эгаллашмоқда.

Р.Йўлдошевнинг физкултура ва спортни ривожлантиришдаги хизматлари муносиб баҳоланди. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвони, II даражали «Соғлом авлод учун» ордени, қатор медаллар, фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

Яқинда унга мустақиллик байрами муносабати билан Президентимиз Фармонларига биноан «Шуҳрат» медали топширилди.

**Э.ЭРМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Футбол*

## АРГЕНТИНА чемпионлик ваколатини топширди. Кимга?

Ҳа, ярим финал натижалари қисман биз, ўзбекистонлик футбол ишқибозлари ўйлаганчалик бўлмади. Бошқача айтганда, башоратимиз тенг ярмига бажарилди.

Ўзбекистон ёшлар термаси билан бир гуруҳда тўп сурган аргентиналиклар Бирлашган Араб Амирликларига жаҳон чемпиони сифатида ташриф этишганди. Ва жуда кўпчилик мутахассислар айнан ушбу жамоа финалда қайсидир команда билан ўз унвонини сақлаб қолиш учун майдонга чиқади, деб ишонган эди. Йўқ, ундай бўлмади. Ярим финалда Бразилия ёшлари ўта йиғинчоқлиқ билан ҳаракат қилиб кўзланган мақсадга эришдилар. Аргентина жамоаси дарвозасига киритилган ягона тўп ўйин тақдирини ҳал қилди. Бразилия – финалда!

Иккинчи жуфтликда ҳам шундай натижа қайд этилди. Испания термаси Лотин Америкасининг яна бир вакили – Колумбия устидан 1:0 ҳисобида устун келди.

Чемпионлик қайси жамоага насиб этади – Испаниягами ёки Бразилияга? Ҳар ҳолда Пеле, Гарринча, Роналдо каби юлдузларни етиштириб берган юрт футболи дунёда энг кучли эканини исботлашга уриниши табиий. Ўтган йили катталар жаҳон чемпионлигини қўлга киритишган эди, энди навбат ёшларга. Кўрамиз, улар бунинг уддасидан чиқадиларми ёхуд бунинг акси ўлароқ ғалаба Пириней ярим оролида кенг нишонланадими?

Нима бўлганда ҳам гуруҳдошларимиздан бири чемпионликка жуда яқин турганлигидан ҳозирданоқ кувонишимиз мумкин.

## 2003 ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЎҚИТУВЧИСИ

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўқитувчилар савиясини замонавий билим ва технология асосида янада юксалтириш, юқори малакали педагог ходимлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилган. Халқ таълими вазирлиги томонидан «Йил ўқитувчиси» анъанавий кўрик-танлови ўтказиб келинаётгани ҳам ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Республика таълим марказида ушбу кўрик-танловнинг якунловчи босқичи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 14 нафар ўқитувчи иштирок этди. Бунда танлов қатнашчиларининг ўз фанига бўлган қизиқиши, замонавий технологияни қай даражада ўзлаштиргани ва компьютердан хабардорлиги, фанни ўқитиш учун тайёрлаган кўргазмали қуроллари болаларнинг билимини ошириш, мустақил фикрлаш ва янгилик томон интилишга сафарбар этиши асосий мезон сифатида олинди.

Танловда Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 17-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Гулнора Зайниддинова 2003 йилнинг энг яхши ўқитувчиси, деб топилди. Навоий шаҳридаги 17-мактаб она-тили ва адабиёти ўқитувчиси Гулноза Сатторова иккинчи, Наманган шаҳридаги 7-мактаб тарих ўқитувчиси Раъно Эронова учинчи ўринга сазовор бўлди.

**(ЎзА)**

*Турфа олам*

## НУР ҚИСҚА МУДДАТГА ЖИЛОВЛАНДИ

АҚШ физик олимлари бирмунча мураккаб ва нозик тажрибани амалга оширди. Ҳарвард университетининг бир гуруҳ тадқиқотчилари ёруғлик импулсини махсус муҳитда бир муддат ушлаб туришга муваффақ бўлди. Тажриба деворлари кўзгулардан иборат махсус хонада ўтказилди.

Кўзгули хона ёруғлик импулсини тутишда қопқон вазифасини ўтар экан. Олимларнинг таъкидлашича, ёруғлик нурлари ҳатто «тутқунлик»да ҳам бир дақиқага бўлса-да тўхтамай хона бўйлаб ҳаракатланиб турган. Кўзгули деворлардан бири очилиб нурлар «озодлик»ка чиқарилгандан сўнггина улар ўз йўналиши бўйлаб ҳаракатини давом эттирган.

Тажриба иштирокчиларининг таъкидлашича, импулс таркибидаги ёруғлик фотонлари ва импулс энергиясида ўзгариш рўй бермаган. Яъни, импулс таркибида мавжуд квант ахборотларни тўлиқ сақлаб қолган.

Алберт Эйнштейн нисбийлик назариясида ёруғлик тезлигининг доимийлигини исботлаб берган эди. Олимларнинг фикрича, улар ўтказган тажриба нисбийлик назариясини инкор этмайди, тўғриғоғи, унга алоқадорлик томонлари йўқ. Мазкур тажрибанинг мақсади ёруғликнинг квант табиати, ёруғлик атомларининг квант хусусиятлари ва нурланишнинг алоҳида махсус муҳитда тарқалиши билан боғлиқ мураккаб жараёнларни ўрганишдир.

## ДИПЛОМАТЛАР БОШПАНАСИЗ ҚОЛДИ

Ижарада турган киши ҳақини тўламаса, уй эгаси уни кўчага ҳайдаши бор гап. Лекин бундай ҳолатлар дипломатлар ҳаётида содир бўлиши камдан-кам учрайди.

Яқинда Гвинея-Бисаунинг БМТдаги доимий ваколатхонаси ходимлари лаш-лушлари билан кўчага ҳайдаб чиқарилди. Маълум бўлишича, миссия кўп йиллардан буён Манхэттен туманида ижара олган хонасига ҳақ тўламай келар экан. Гвинея-Бисау дипломатлари бино хўжайини - «Истгейт Риэлти» компаниясидан 186 минг АҚШ доллари қарз бўлиб қолибди, деб ёзади РАТА-ТАСС мухбири.

БМТ котибиятининг юқори мансабли ходими ушбу ҳодисага изоҳ берар экан, уй хўжайинларининг сабр-бардошидан ҳайратга тушиб, эртами-кечми шу воқеа бўлиши муқаррар эди, деди.

Можарога аралашган АҚШ давлат департаменти Гвинея-Бисау дипломатларини ижара пулини тўлашга чақириб, акс ҳолда, мазкур миссия эгаллаб турган хонани ўз ҳимоясига олмаслигини маълум қилди.

Қарздорлик тарихи икки йил аввал бошланган экан. 2001 йилнинг биринчи августида Гвинея-Бисау миссияси пулни вақтида тўламаса, дипломатик мақомдан маҳрум этилиши ҳақида расман огоҳлантирилган. Шундан кейин бино хўжайинлари қарздорларни бинодан чиқариб юбориш тараддудини бошлаб юборган ва бу жараён ўтган ҳафта ниҳоясига етди.

Хабарларга қараганда, келаси ёзда яна 9 давлат миссияси Гвинея-Бисау дипломатлари ҳолига тушиши мумкин.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 23.20

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 8803 Буюртма Г— 0017 23456